Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 22 февраль, чоршанба • № 15 (10.691) • Эркин нархда сотилади

УЧРАШУВЛАР, МУЗОКАРАЛАР, САМАРАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

Ҳужжатларни имзолаш пайти.

Гулчамбар қўйиш маросими.

А. ИЛЁСОВ олган суратлар (ЎзА).

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги мамлакатимиз расмий делегациясининг хорижга яна бир давлат ташрифи ортда қолди. Илгари хабар берилганидек, у шу йилнинг 15-17 февраль кунлари Корея Республикасида бўлган эди.

Президентимизнинг Сеул сафари икки мамлакат ўртасида юксак суръатларда ривожланиб бораётган ўзаро тенг ҳамкорлик алоқаларининг келажаги порлоқ эканини яна бир карра намоён этди. Икки мамлакатнинг ўхшаш томонлари кўп, интилиш чўққилари уйғун. Сеулда кечган барча музокараларда, учрашувларда, имзоланган ҳужжатларда бу алоҳида таъкидланди. Икки давлат — икки халқнинг ҳам мақсади бир — XXI асрга энг ривожланган мамлакатлар сафида қадам қўйиш. Дунёдаги барча давлатлар билан ўзаро тинчлик, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, ўзга мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик...

Булар, албатта, ўхшашликнинг сиёсий жиҳатлари. Оддий фуқаролар ҳаётини муқояса қилиб кўрилса ҳам бундай ўхшашликлар кўп учрайди. Кореяликлар ҳам ўзбеклардек меҳнаткаш, сабр-бардошли, ерпарвар, элпарвар, болажон халқ. Аслида бу икки қадимий халққа мансуб ўхшашликларни санаб ўтиришга ҳожат бормикин. Корейс миллатига мансуб кишиларни биз, ўзбекистонликлар бугун кўраётганимиз йўқ — улар билан неча ўн йилларидан буён бир мамлакатда турмушнинг аччиқ-чучугини бирга татиб келмоқдамиз. 30-йилларда Сталин қатағонига учраган минглаб корейслар Ўзбекистондан паноҳ топган эдилар. Улар бугун 200 минг кишилик катта бир элатга айланганлар. Ерли халқ билан биродарлашиб, иноқлашиб кетдилар. Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг уларнинг имкониятлари янада кенгайди — ўз миллий маданияти,урф-одатлари, анъаналарини нафақат сақлаб қолиш, балки ривожлантириш учун кенг шароит яратилди.

— Сталин қатағонида биз, минглаб корейслар ўлимга маҳкум этилгандик, — деб эслайди машҳур олим, тарих фанлари доктори, Ўзбекистондаги корейс маданий марказлари ҳамкорлиги ассоциацияси раиси Пётр Ким. — Ушанда бу қирғиндан бизни бағри кенг ўзбек халқи сақлаб қолди. Бизга жой берди, нон-туз берди. Биз бу юртда ўсдик-ундик. Энди ватанимиз — Ўзбекистон мустақилликка эришиб, буюк давлат қуришга киришган экан, Корея унинг ишончли ҳамкорига айланганини кўриб, чексиз қувонаяпман.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг тезкорлик билан ривожланаётгани боиси фақат шуларгина десак нотўғри бўлур эди.

... Сеулдаги муҳташам «Шелла» меҳмонхонасига ҳали киришга улгурмасдан Ўзбекистон расмий делегацияси аъзолари ҳар ерда ҳозиру нозир ҳамкасбларимиз — журналистлар қуршовида қолди. Мухбирлар «таъқиби»дан ҳатто, биз, журналистлар ҳам қочиб қутила олмадик.

— Нега Ўзбекистон билан Кореянинг муносабатлари қутилмаганда бунчалик тез ривожланиб кетди, — дейди улардан бири. — Нега Жанубий Корея бутун МДҲ мамлакатларига 100 миллион долларлик сармоя киритади-ю Ўзбекистоннинг ўзига 80 миллион доллар сарфлайди? Ҳали автомобиль заводига, ҳали электротехника заводига ҳеч иккиланмай миллион-миллион маблағ ажратади. Нега корейс ишбилармонлари, масалан, Россияга сармоя киритишга бунчалик шошилмаяпти?

Қизиқувчан ҳамкасбимиз билан танишдик — Москвадаги «Новости» ахборот агентлиги мухбири Сергей Кудасов экан. Жавоб қилдик:

— Бунинг сабаби Ўзбекистондаги тинчлик-осойишталигу чет эл сармояси учун яратилган энг қулай шароитда. Баъзи бир республикаларда бўлаётгани каби одамлар бир-бирига ўқ узиб, қон тўкаётгани йўқ... Биз ишлаяпмиз. Тадбиркор аҳли эса, биласиз, тинчлик-хотиржамлик, меҳнат ва фойдага кафолат бор жойга боради.

— Албатта, — деди ҳамкасбимиз жиндек хижолат чекиб, — бу жиҳатдан сизларга ҳавас қилса арзийди. Уч йилда халқаро миқёсда кўп иш қилдиларингиз. Буни бутун дунё кўриб турибди. Яна уч-тўрт йилда нималарга эришишганларингизни тасаввур этиш қийин эмас. Ислом Каримовга «Мугунхва» орденининг берилиши ҳам бежиз эмас экан-да.

Очиғини айтганда, ҳамкасбимизнинг бу гапларида нафақат ҳавас, жиндек ҳасад ҳам йўқ эмасди. Эртаси куни эса ростдан ҳам Президент Ислом Каримовга Корея Республикасининг энг олий нишони — «Мугунхва» катта ордени тантанали равишда топширилди.

«Мугунхва» — Жанубий Корея 1948 йил 15 августида — республика деб эълон қилингач, таъсис этилган илк олий нишон. Субҳидам бокиралиги юрти мустақилликка эришганидан сўнг дунёдаги икки юзга яқин мамлакат билан дипломатия алоқалари ўрнатганига қарамай, бу олий нишонга саноқли давлат раҳбарлари сазовор бўлди. Шу қисқа рўйхатдан Ўзбекистон Президентининг жой олиши — аввало икки мамлакат ўртасидаги яхши муносабатларнинг, бир-бирига ишончнинг белгиси. Айни пайтда бу — республикамиз раҳбари юритаётган доно ички ва ташқи сиёсатнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи.

«Мугунхва» катта ордени.

Президент Ислом Каримовнинг Сеулга сафари бош мавзуси — иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўлди. Ташриф чоғида ўндан зиёд учрашув ва музокаралар бўлиб ўтди ва уларнинг амалий натижаси ўлароқ, еттита ҳужжат имзоланди. Бугун уларни яна бир карра номма-ном эслаб ўтиш жоиздир. Зеро, уларнинг ҳар бири Ўзбекистон— Корея муносабатларининг янада кенгайишида муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

Мана улар: Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида қўшма баённома (уни икки мамлакат Президентлари имзоладилар). Икки республика ҳукуматлари ўртасида қишлоқ хўжалиги, телекоммуникация ва радиоэшиттириш, таълим, сайёҳлик соҳаларидаги ўзаро англашмалар меморандумлари. Ташқи ишлар вазирлари А. Комилов ва Гон Ро Мьянг икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамаларининг илмий-техник ҳамкорлиги борасидаги дастурга ҳам имзо чекдилар. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Кореянинг «Иксченж бэнк»и ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

И. Каримов шарқий тақвим бўйича яқиндагина янги йилни кутиб олган Кореяга ташриф буюрган биринчи давлат раҳбари бўлганида ҳам ўзига хос маъно бор.

— Ўтган йили Ўзбекистонда бўлганимда, — деди Корея Президенти Ким Ен Сам, — мамлакатингизда босқичма-босқич амалга оширилаётган демократиялаштириш ва иқтисодий ислоҳотлар жараёни менда чуқур таассурот қолдирди. Шу боис мен мамлакатларимиз ўртасида муттасил ривожланаётган ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ҳам астойдил кузатиб бораяпман. Ўтган қисқа муддат мобайнида эса талай ишлар амалга оширилди.

Ким Ен Сам жанобларининг эътироф этганича бор. Икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилгандан буён талай ишлар қилинди. Жумладан, Ўзбекистон билан Кореяни боғловчи ҳаво йўли очилди. Бугун «ДЭУ» корпорациясида ишлаб чиқарилган енгил машиналар, бежирим автобуслар, телевизор ва электроникага оид бошқа аппаратуралар ўзбекистонликларга яхши таниш. Андижоннинг Асака шаҳрида шитоб билан қурилаётган «ЎзДЭУавто» заводи эса келгусида икки юз минг донагача автомобиль ишлаб чиқаради. Кореянинг «Самсунг», «Лаки голд стар» каби компаниялари ҳам Ўзбекистонда фаол ҳаракат қилмоқда. 1993 йили икки мамлакат ўртасидаги савдосотиқ 83 миллион долларни ташкил этган бўлса, бу рақам ўтган йилнинг 11 ойи мобайнида салкам 200 миллионга етди. Кореяликларда Ўзбекистонга, ўзбек ишбилармонларида эса кореялик ҳамкасбларига нисбатан мустаҳкам ишонч пайдо бўлди.

Ўзбекистон раҳбарининг Сеул сафаридан сўнг ўзаро ҳамкорликка оид қандай ўзгаришлар рўй беради? Бу саволга юқорида зикр этилган ҳужжатларнинг номидан ҳам жавоб топиш мумкин. Аммо шу ўринда И. Каримов кореялик ишбилармонлар билан ўтказган учрашув ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Учрашувда Кореянинг кичик бизнес, ташқи савдо, саноат уюшмалари, савдо-саноат палаталарининг раҳбарлари иштирок этди. Бўлиб ўтган самимий суҳбат чоғида Президентимиз Ўзбекистоннинг кенг иқтисодий имкониятлари ҳақида сўзлади. Мамлакатимизда, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлаб ўтди. Бу йил Ўзбекистонда 60 мингдан зиёд янги кичик корхона очилиши кўзда тутилмоқда. Зеро, жаҳон иқтисодиёти тараққиётига разм солинса, бунда кичик ва ўрта бизнеснинг алоҳида ўрни борлиги аён бўлади. Узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Жанубий Кореяда тайёрланаётган 70 фоиз маҳсулотни ана шу соҳа корхоналари бермоқда. Кичик ва ўрта корхоналарни қуриш, зарур бўлганида қайта жиҳозлаш, ишчи кучи, хомашё ва маблағ билан таъминлаш анча осон.

Ислом Каримовнинг ишбилармонлар билан ўтказган учрашувлари жуда самимий ва савол-жавобларга бой бўлди. Айниқса, Ўзбекистонда чет эл сармояси учун яратилаётган шароит ҳақида гап кетганида, тўжжорлар Президентимизнинг гапини бир неча бор қарсаклар билан қаршиладилар.

— Ўзбекистон хорижий сармоядорлар учун жаннатга айланмоқда, — деди кореялик ишбилармонлардан бири. — Ахир ўзингиз ўйланг: корхона беш йил мобайнида солиғу божлардан озод қилинса. Бунинг устига барча ишларга шахсан мамлакат Президенти бош-қош, кафил бўлиб турса. Хориж сармояси учун бунчалик кенг имтиёз яратилган бошқа мамлакатни эслай олмайман.

Бу гапнинг исботи ўлароқ кўплаб ишбилармонлар ўша учрашувдаёқ Ўзбекистонга бориб, қўшма корхона ташкил этиш ниятларини маълум қилдилар.

Эрта-индин шаҳар-қишлоқларимизда янгидан-янги корхоналар иш бошласа ажабмас. Корея тупроғида бизнинг кўнглимизни тоғдек кўтарган бир воқеа — маҳаллий ишбилармонларнинг тағин бир эътирофи бўлди. Уларнинг айтишича, Ўзбекистондан Кореяга келиб ишлаётган, ўқиб, тажриба орттираётган йигит-қизларимиз савия, ишбилармонлик, билим ва куч-ғайратда кореялик тенгдошларидан ҳеч қолишмайди. Ҳатто баъзи жиҳатлар бўйича улардан устун ҳам келишмоқда. Бу эътироф умид туғдирадики, илғор технология, мураккаб машиналар билан «тиллашиш» фақат хорижликларга хос эмас. Уларни ўзбек йигит-қизлари ҳам маҳорат билан бошқариши мумкин ва лозим. Шу боис бўлса керак, Ўзбекистон Президентининг Сеул сафари чоғида имзоланган ҳужжатларда ўзбекистонлик ёшларга Кореяда илм ва иш ўргатиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Хусусан, шу йилнинг ўзида бир ярим мингга яқин йигит-қиз касб маҳоратини ошириш учун Кореяга жўнаб кетади.

Дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари сафидан жой олишга ҳаракат қилаётган Корея Республикаси тажрибасини ўрганишимиз ва ижобий фойдаланишимиз мумкин бўлган жиҳатлари талайгина. Шу ўринда яна бир воқеани эслаб ўтиш фойдадан ҳоли эмас. Корейс дўстларимиздан бири айтди: биз бу тараққиётга бир кун ёки бир йилда эришмадик. Кореяга бундан 20-30 йил бурун келганингизда бутунлай бошқача манзарани кўрар эдингиз. Одамлар бир-биридан «аҳволинг қалай», деб сўраш ўрнига, «охирги марта қачон тўйиб овқат единг», деб қизиқар эдилар. Биз мустақиллигимизнинг йигирма йиллигини нишонлаганимизда ҳам бугун сизлар эришган тараққиётга етмаган эдик. Сизлар эса атиги икки-уч йил ичида талай ютуқларга эришдингизлар.

Бу эътирофга изоҳнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман...

Ўзбекистон Президентига Корея сафарида Бош вазир ўринбосарлари Ў. Султонов, В. Чжен ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Қулман ОЧИЛ,
ЎзА махсус мухбири.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси 1995 йил 23 февраль куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари эртага 22 февраль куни эрта билан соат 9 дан 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАР ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлар гуруҳлари вакилларининг йиғилиши бугун соат 17 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг кичик мажлислар залида бўлади.

ВИЛОЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

НАВРЎЗ ОЛДИДАН

НАВРЎЗ байрами олдидан Саксонота қишлоғида ободончилик ишлари қизғин йўлга қўйилди. Ҳудудимиздаги маҳаллалар фаоллари ҳаракати билан йўллар, ариқларни тозалаш, хиёбонларни тартибга келтириш тадбирлари бошлаб юборилди. Президентимизнинг аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш юзасидан чиқарган фармони ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Шу йилнинг бошида «Ёшлик» қишлоғи аҳолиси табиий газ билан таъминланган эди. Эндиликда «занг-гори олов» Саксонота, Қоратухум, Тоштўғизоқ қишлоқларига ҳам етиб келди. Бу қишлоқларда 21 километрга газ қувурлари тортилди. 350 хонадон эгалари ўзларига яратиб берилган қулайликлардан беҳад миннатдорлар.

Юқоричирчиқ туманида қишлоқларни газлаштириш давом этяпти. Шу кунларда қурувчилар аниқ мақсадни кўзлаб, Наврўз байрами шарафига янада жадал суръатлар билан ишлаяптилар.

С. АБДУЛЛАЕВ.

БУЁҒИ ОЛМАЛИҚ, БУЁҒИ БУХОРО...

ОЛМАЛИҚДАГИ «Тафтинг» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар харидоргирлиги билан ажралиб туради. Асосий маҳсулот — палослар дўконлар пештахталарида ётиб қолмайди. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даври талабларини ҳисобга олаётган гиламдўзлар тайёрланаётган истеъмол моллари турларини муттасил кўпайтирмоқдалар.

Бунинг учун янги ишлаб чиқариш бўлинмалари ташкил этилмоқда. Қўлда гилам тўқиш цехи ишга туширилди. Бундан ташқари трикотаж участкаси, янги моллар ва хизматлар цехи ишга туширилди. Шундай қилиб, ишлаб чиқарилаётган кенг истеъмол маҳсулотлари деярли ўттиз хилга етказилди. Жами 120 та янги иш ўрни барпо этилди.

Корхона жамоаси ўз маҳсулотларини сотиш учун бутун бир дўконлар тармоғини яратмоқда. Бундай савдо нуқталари Олмалиқда, Пискентда, Марғилонда, Бухоро вилоятида ишлаб турипти. Янгиларини очиш ҳам режалаштирилмоқда. Орадан кўп ўтмай Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари марказлари аҳолиси ҳам «Тафтинг» молларини шу ерда очиладиган дўконлардан сотиб олиш имконига эга бўладилар.

М. ҲАМИДОВ.

ШЕЪРХОНЛИК, ҒАЗАЛХОНЛИК

ПАРКЕНТ. Куни кеча туман марказидаги муҳташам маданият саройига улуғ бобокалонимиз, ўзбек шеъриятининг султони, бетакрор ижод соҳиби Мир Алишер Навоийнинг руҳини шод қилиш, бебаҳо ижод оламига саёҳат этиш учун кўплаб ихлосмандлар йиғилдилар. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлими ва унинг Паркентдаги шохобчаси томонидан уюштирилган мазкур тадбирда фанлар чуқур ўқитиладиган лицей ўқувчилари, шунингдек шеърият мухлислари Ўзбекистон Фанлар академияси Тилшунослик институтининг мутахассис олимлари филология фанлари докторлари Содирхон Эркинов, Баҳром Бафоев ва мазкур институтнинг докторанти, шоир Асқар Мусақуловларнинг Алишер Навоийнинг бой адабий мероси хусусидаги маърузаларини диққат билан тингладилар. Кечада «Паркент тонги» туман газетасининг муҳаррири Маҳмуд Тоиров янги шеърларидан намуналар ўқиб берди. Лицей ўқувчилари намойиш этган улуғ мутафаккир ҳаётига оид саҳна кўринишлари, шунингдек туман ҳаваскорлари ижросидаги бобомиз ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар барчага манзур бўлди.

А. ТУРСУНМАТОВ.

ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИЛАРИ

ҚИБРАЙ тумандаги 45-лицейда «Истиқлол фидойилари» мавзуида кеча бўлиб ўтди. Кечани ташкил этишда Тошкент педиатрия тиббиёт институти ўзбек тили кафедраси ва лицейнинг юқори синф ўқувчилари ташаббускор бўлишди. Таниқли адабиётшунос олим, Беруний номидаги давлат мукофотининг лауреати профессор Наим Каримов, Тошкент педагогика институтининг кафедра мудири, доцент Тўхта Бобоев, Чўлпон Мукофоти лауреати Шерали Турдиевлар қатағон йилларининг қурбони бўлган адиблар Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир ҳаёти ва ижодлари, улар билан боғлиқ қизиқарли воқеаларни сўзлаб беришди, ўқувчиларнинг саволларига жавоб қайтаришди. Бу ёзувчилар асарлари асосида талабалар ижросидаги саҳна кўринишлари кечага файз киритди. Лицей директори Ҳожиакбар Ортиққўжаев олимларга қизиқарли суҳбатлар учун миннатдорчилик билдирди.

Н. ТОЖИЕВА.

ЯНГИ СИЁСИЙ ПАРТИЯ

18 февраль куни Тошкентда яна бир янги сиёсий партия — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлардан сайланган 185 нафар делегат қатнашди. Анжуманга жамоат ва бошқа ташкилотлардан меҳмонлар ташриф буюришди.

Қурултойда партиянинг мақсад ва вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Ташкилий қўмита раиси, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири Анвар Жўрабоев шу ҳақда маъруза қилди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси парламент типидаги сиёсий партия бўлиб, у республика мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ватанга садоқатли хизмат қилиш ниятларидан келиб чиқилган ҳолда тузилганлиги таъкидланди. Унинг асосий мақсади — мустақил Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, жамиятда ижтимоий адолатни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини, юксак маънавият ва маърифатни қарор топтиришга кўмаклашишдан иборатлиги айтиб ўтилди.

Таъсис қурултойи партиянинг Низоми ва Дастурини тасдиқлади.

Қурултойда партия раҳбар органлари сайланди. Шунингдек, партиянинг ҳафталик «Адолат» газетаси таъсис этилди.

Қурултой қатнашчилари Ўзбекистон халқига мурожаатнома қабул қилдилар.

(ЎзА).

Акс-садо

БОҒЛАРИМИЗГА ЯНА ФАЙЗ КИРМОҚДА

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»нинг 8 февраль сонида «Боғдорчиликда ҳам ислоҳотлар зарур!» сарлавҳаси остида босилган мақолани ўқиб, тўғриси, бениҳоя мамнун бўлдим. Таниқли олим, академик, йирик илм даргоҳининг раҳбари, биз боғбонларнинг устози Маҳмуд Мирзаевга айни вақти-соатида катта минбар бериб жуда тўғри қилинган. Мақолада мени ҳам кўпдан буён ўйлантириб келаётган масалалар тилга олинган.

«...Тупроғи олтин, таёқни суқиб қўйсанг, куртак берадиган қуёшли ўлкамизда, вилоятимизда юракка доғ бўладиган боғларнинг кўпайиб қолганлиги кишини ташвишга солади. Ҳамма иллат соҳага эътибор берилмай қўйилганлигидадир», дейилади мақолада.

Ҳақ гап. Кўпинча биз қоғозда палон гектар ерда, палонча майдонда боғимиз бор, узумзоримиз бор, деб кериламиз. Аслида эса, боғларнинг ҳолидан, боғбонларнинг аҳволидан ҳамма вақт ҳам хабар олавермаймиз, уларнинг талаб-эҳтиёжларига қулоқ солмаймиз. Боғ ўстириш, уни тўкин ҳосилга киритишнинг ўзи бўлмайди.

Мен сизга айтсам, «Узумини еб, боғини суруштирмайдиган одамлар»га кунинг қолмасин экан. Маълум даврда ичиликбозликка қарши кураш баҳонасида қанчаданқанча жаннатмакон боғларимизга қирон етди, яшнаб турган узумзорлар хароб бўлди. Ўша «совуқ шамол» бизни ҳам тинч қўймади. 121 гектардаги узумзоримизни бузиб ташлаш ҳақида қарор чиқарилди, лекин биз қаттиқ турдик. Оллога шукурлар бўлсинким, Қорақалпоқ қишлоғининг тепа қисмига жойлашган боғимиз омон сақланиб қолди.

Ўша мудҳиш қарор унут бўлиб, мустақилликка эришишимиз шарофати билан ўша узумзорга яна ҳаёт қайтди. У бугун қайта яшнаб турибди. Қорақалпоқ қишлоғи аҳолисининг асосий даромади аслида ана шу узумзордан. У ҳозир ҳиссадорлик жамияти иқтисодининг бир томонини кўтариб турибди. Боғимизда узумнинг жуда кўп навлари мавжуд. Яхши ишлов бериб, парваришланаётган узумнинг ҳар бош «Тойифи» нави 5 килограммдан ортиқ тош босса, «Рикостели» ва «Куржинский» нав узумлардан хушбўй, хузурбахш шарбат ва «Шампань» виноси олинмоқда. Боғимизда етиштирилган узум янги қурилган ўз вино заводимизда қайта ишланмоқда.

Боғларимиз бугун қиш уйқусида. У дам олиб, куч тўплаяпти. Бу йил ҳам хосилимиз ва сармоямиз янада баракали бўлишга ишончимиз комил. Бунинг учун авваламбор устозимиз Маҳмуд аканинг қимматли тавсия ва маслаҳатларига тўла амал қиламиз.

Ҳолмат ЭРГАШЕВ,
Оҳангарон туманидаги Собир Раҳимов номли ҳиссадорлик жамиятининг узумчилик бригадаси бошлиғи.

МАРОМГА ТУШИЛДИ, ЎСИШГА ЭРИШИЛДИ

- Бир йилда ўсиш суръати 10,4 фоизни ташкил этди.
- Янги хизмат турлари жорий қилинди ва бўлинмалар очилди.
- Истеъмол бозори учун маҳсулот етказиб бериш муттасил кўпаймоқда.
- Ижтимоий муҳофаза қилишнинг қўшимча имкониятлари ишга солиняпти.
- Корхона ҳиссадорлик жамиятига айланади.

Тадбиркорлик — иқтисодимиз келажаги

БЕКОБОДДАГИ бу корхона республикамизда ягона ҳисобланади. Унинг меҳнат жамоаси мамлакатимиздаги барча цемент комбинатлари, гишт, оҳак заводлари ва бошқа шу каби корхоналарнинг техник ускуналари учун эҳтиёт қисмлар етказиб беришга, айни вақтда, улар фойдаланаётган асбоб-ускуналарни таъмирлашга ихтисослашган. Бу цемент таъмирлаш корхонаси ишчи-хизматчилари зиммасига масъулиятли ва шарафли вазифа юклатилганлигидан далолатдир. Республикамиздагина эмас, ҳатто, қатор қўшни давлатлардаги бинокорлик материаллари саноатига қарашли бўлган ўнлаб корхоналарнинг бир маромда ишлаши, режаларини муваффақиятли бажариши кўп жиҳатдан шу жамоа ишига боғлиқ.

Корхона меҳнат аҳли зиммасидаги вазифанинг аҳамиятини ҳис қилиб, ишлаб чиқариш жараёнларининг бир маромда боришини таъминлашга алоҳида эътибор бермоқда. Тўғри, кейинги йилларда турдош корхоналар, хомашё ҳамда материаллар етказиб берувчи комбинат-заводлар билан иқтисодий алоқаларнинг сусайиб кетиши ишда муайян мушкулликларга сабаб бўлди. Лекин, жамоа олма пиш, оғзимга туш қабилида иш тутишни ҳаёлига ҳам келтирмади. Ҳаракатда барака, деган халқ мақолига амал қилди. Эски иқтисодий алоқаларни тиклаш, янгиларини йўлга қўйиш учун астойдил интилинди. Бу ишда бутун жамоа бир ёқадан бош чиқарди. Корхона раҳбарлигининг шу мақсад йўлидаги барча саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади. Раҳбарлик ҳам ўз навбатида вужудга келган ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал қилишда жамоа аъзолари билан маслаҳат қилди. Ҳар томонлама йўлга қўйилган ана шундай ҳамкорлик яхши самара бермоқда.

Корхонада ишлаб чиқариш жараёнларининг мароми анча яхшиланди. Буни ўтган хўжалик йили якунларидан ҳам кўрса бўлади. Шуни айтиш кифояки, корхонада ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 1993 йилдагига нисбатан 10,4 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган ва буюртмачиларга етказиб берилган эҳтиёт қисмлар ҳажми 8 миллион сўмликдан ҳам ошиб кетди. Республикамиздан ташқари бошқа давлатлардаги қатор цемент корхоналарига ҳам турли-туман эҳтиёт қисмлар етказиб берилди. Ишчи-хизматчиларнинг меҳнати натижасидан Қозоғистон, Тожикистон Республикаларидаги қатор комбинатлар жамоалари ҳам баҳраманд бўлмоқдалар. Уларга бир йил давомида асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмларидан 1 миллион 200 минг сўмлик етказиб берилди.

Таъмирловчилар мижозлар ва буюртмачиларга хизмат кўрсатишнинг янги усулларини ҳам жорий қилмоқдалар. Улар бевосита жойларга бориб, асбоб-ускуналарни тузатишда қатнашмоқдалар. Ҳозир таъмирловчилар 3 та участкага бирлашганлар. Уларда ҳаммаси бўлиб 130 киши меҳнат қилмоқда. Бу участкалар гуруҳлари биргина ўтган йили Қувасой цемент комбинати, Жиззах оҳак заводи, Тошкент гишт заводи, Ульянов бинокорлик материаллари комбинатларида катта ҳажмдаги таъмирлаш ишларини амалга оширдилар. Унинг жами ҳажми 1 миллион 629 минг сўмга етди. Шу кунларда эса Жиззах оҳак заводини тўла тузатиш ишлари олиб борилмоқда. Шартномага мувофиқ у шу йилнинг биринчи чорагидан кечикмай ниҳоясига етказилиши керак.

Корхона буюртмачилар билан шартнома асосида ишламоқда. Бу усулнинг афзалликлари амалда намоён бўлаяпти. Чунки, у икки томоннинг масъулиятини кучайтиради. Бунга амал қилмаслик эса турли жарималарга олиб келиши мумкин. Шунинг учун икки томон ҳам шу шартномалар асосида ўз зиммаларига юклатилган барча вазифаларнинг масъулиятини чуқур ҳис қилмоқдалар. Бу таъмирлаш ишларининг тезлашиши, сифати кўнгилдагидек бўлишига олиб келмоқда.

Эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш, тузатиш ишларини амалга ошириш учун ҳар йили кўп миқдорда материал ва хомашёлар зарур бўлади. Корхона маъмурияти таъминотни кўнгилдагидек йўлга қўйиш учун барча имкониятларни ишга солаяпти. Айниқса, олдинги маҳсулот етказиб берувчилар билан алоқаларнинг тикланиши яхши самара бермоқда. Шу туфайли Украинанинг Мариупол шаҳридан темир, тахталар келтирилмоқда. Россиядан, Қарағандадан эса металл хом ашёлари олинмоқда. Жамоанинг ишлаши учун сув ва ҳаводек зарур бўлган бундай материалларнинг етарли бўлиши иш самарасига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бу масалада республикадаги «Ўзқурилишматериаллар» саноат концерни кўрсатаётган ёрдамни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. У клерн усули билан ўзининг хом ашё базаларидан турли хил зарур материалларни етказиб бермоқда. Бу ҳам ишнинг бир маромда боришига ёрдам бераяпти.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида даромад ва фойда кўришнинг бошқа манбаларини ҳам яратиш катта аҳамиятга эгадир. Корхона маъмурияти буни ҳам эсдан чиқармаяпти. Шу туфайли истеъмол бозорини муттасил ўрганмоқда. Унинг талабларини ҳисобга олиб, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштираяпти. Айниқса, харидоргир буюмлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Корхонада гилам тўқиш цехи барпо этилди. Бу ерда 14 та тўқув дастгоҳи ўрнатилди ва улар мунтазам ишлаб турипти. Уларни 44 хотин-қиз бошқармоқда. Бу билан илгари асосан уй-рўзғор ишлари билан шуғулланган аёллар меҳнат жараёнига тортилди. Бу цех учун хомашё Олтиариқ ип йигирув фабрикасидан келтирилмоқда. Ҳозир цехда уч турдаги гиламлар ишлаб чиқариляпти.

Асосий цехларда эса янги бўлимлар ташкил этилиб, уларда қатор халқ истеъмоли буюмлари тайёрланмоқда. Ҳозирги вақтда ўндан ортиқ шундай маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб берилаяпти. Газ билан сув иситгичлар, газ плиталари учун устки панжаралар, ўроқ, кетмон, пичоқ, хўжаликда асқотадиган енгил аравачалар, дурадгорлар учун дастгоҳлар ва бошқа шу каби буюмлар тайёрланмоқда. Улар шартнома асосида «Бекободсавдо», «Чинор» ҳиссадорлик жамиятлари, майда улгуржи савдо дўконларига етказиб берилаяпти. Бундай маҳсулотлар республикамиз пойтахтидаги дўконларда ҳам сотилмоқда. Ўтган йили юзларча минг сўмлик шундай кенг истеъмол буюмлари тайёрланди. Бу йил уларнинг ҳажми ва турини янада кўпайтириш назарда тутилмоқда.

Бир маромда ишлаш, буюртмаларни вақтида ва сифатли тайёрлаш жамоа олаётган даромадларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам ўтган йили 1 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олинди. Фойданинг кўпайиши ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган янги-янги тадбирларни амалга ошириш имконини бераяпти. Шуни айтиш кифояки, ўтган йили ўртача ойлик иш ҳақи деярли 1100 сўмга етди. Жамоа аъзоларининг тушлик овқатланишлари учун текинга махсус талонлар берилмоқда. Шу йилнинг 1 февралидан бошлаб эса таъмирловчиларнинг болалар боғчасида тарбияланаётган жажжи ўғил-қизлари учун пул тўлаш бекор қилинди.

Бозор талабини ўрганиш ҳамон давом этмоқда. Шуни ҳисобга олиб корхонада яна бир янги цехни барпо этиш режалари тузилди. Бу ерда асосан цемент комбинатларида ишлатиладиган айланма печларнинг энг мураккаб ва ҳажми катта бўлган қисмлари — кўп тишли, олти қиррали махсус гилдиракларга термик усул билан қайта ишлов бериш ўзлаштирилади. Ҳозиргача цех лойиҳаси тахт қилинди. Бунинг учун 4 миллион 200 минг сўм сарфлаш назарда тутилмоқда. Маблағ етарли бўлиши билан ёки ҳомийлик қилувчилар топилса, бу муҳим ишга дарҳол киришилади.

— Ҳозирги вақтда корхонани ҳиссадорлик жамиятига айлантириш хусусида тегишли идоралар билан мулоқот олиб бораяпмиз, — дейди корхона директори Илҳом Икромович Қурбонов. — Шубҳасиз, бу ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш учун янги имкониятларни вужудга келтиради. Чунки, жамоамиз корхонанинг бевосита соҳиби бўлиб қолади. Республикамизда эса тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Уларнинг самарали фаолият қилишлари учун зарур шароитлар яратиб бериляпти. Республикамиз Президентининг қатор Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонуний ҳужжатлар шунга қаратилгандир. Биз жамоамизга берилган бундай имкониятдан аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Мулкнинг ҳиссадорлик жамияти шаклига ўтишидан умидимиз катта. Албатта, унинг амалга ошишига ишонамиз.

А. ҲАМЗАЕВ,
А. АШУРОВ.

•Вилоят ҳокимлигида

КУН ТАРТИБИДА ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

Бундан бир йил аввал халқаро «Экосан» экология ва саломатлик жамғармасининг вилоят бўлими ўз фаолиятини бошлаган эди. Ўтган давр мобайнида вилоятимизда экологик муаммоларни бартараф этиш, аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида қандай ишлар амалга оширилди? Жамғарма ўзининг имкониятларидан тўлиқ фойдалана оляптими? Унинг олдида қандай долзарб вазифалар, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар бор?

Ўтган шанба куни вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш ана шу масалаларга бағишланди. Унда вилоят шаҳар ва туман ҳокимлари муовинлари, «Экосан» жамғармасининг шаҳар ва туман бўлимлари мутасаддилари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Т. Эргашев олиб борди.

Халқаро «Экосан» жамғармаси вилоят бўлими директори А. Абдуҳолиқов маъруза қилди.

Бўлим ўтган бир йил давомида иш кўлами ва турини муттасил кенгайтириб борди. Ўзига берилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг фаолияти устидан доимий назорат ўрнатиш, табиатни соф ҳолда сақлаш, атроф-муҳитнинг тоза бўлишини таъминлаш борасида кўпдан-кўп масалаларни ҳал қилишда қатъийлик кўрсатди. Кам таъминланган оилаларга ҳайрия ёрдамлари уюштирилди. Пахта йиғим-терими мавсумида Юқоричирчиқ ва Пискент туманлари меҳнаткашларига озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари етказиб берилди. Ободончилик ва тозалик ишларида фаол қатнашилди. Республика телерадиокомпанияси, «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталари ва халқаро «Экосан» жамғармаси мустақилликнинг уч йиллигига бағишлаб ўтказган «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» кўрик-танловида Тошкент вилояти фахрли биринчи ўринни эгаллаган экан, бунда вилоят бўлимининг ҳам улкан улуши бор. Шу куни бу мукофот вилоятимизга тантанали топширилди.

Лекин ҳали жамғарма ўзининг имкониятларидан тўла фойдаланяпти, деб бўлмайди. Айниқса, бугунги кунда вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси ҳар қачонгидек долзарб бўлиб турипти.

— Экология ва саломатлик бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, — деди йиғилишда сўзлаган вилоят ҳокими Э. М. Рўзиев. — Атроф-муҳит, сув, ҳаво тоза бўлсагина инсон соғлом, руҳи тетик, кайфияти яхши бўлади. Тўғри, жамғарма томонидан бирмунча хайрли ишлар амалга оширилди. Лекин камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бўка, Паркент, Оққўрғон, Қуйичирчиқ, Бўстонлиқ туманларида ҳанузгача жамғарманинг бўлимлари ташкил этилмаган. Бир қатор шаҳар ва туманлардаги ходимлар эса жон куйдириб ишламайдилар. Жамғарманинг жойлардаги тижорат дўконлари низомда кўзда тутилган асосий мақсад асосида иш юритишларини назорат қилмоқ лозим.

Вилоятдаги мақсади ва вазифалари муштарак бўлган «Экосан», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари ва эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссияси кучларини бирлаштириш керак. Ана шундай ҳамжиҳат ҳаракат қилингандагина муаммоларни бартараф этиш, тадбирларни муваффақиятли ўтказиш мумкин. Аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, яқинлашиб келаётган поклаиш байрами — Наврўз муносабати билан жойларда хашарлар уюштириш зарур. Тозалик ишлари мавсумий бўлиб қолмай, доимий бўлиши керак.

Йиғилишда республика халқаро «Экосан» экология ва саломатлик жамғармаси президенти Ю. Шодиметов, Ўзбекистон ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раисининг биринчи муовини О. Юсупов, Шредер номли узумчилик, боғдорчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, академик М. Мирзаев, Бекобод тумани ҳокими муовини Э. Қодиров ва бошқалар муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг биринчи муовини Т. Мирёқубов халқаро «Экосан» жамғармаси вилоят бўлими раиси этиб сайланди.

Йиғилишда вилоят ҳокими муовини Д. Жаҳонгирова иштирок этди.

Юнусобод туманидаги I-катталар таълими маркази мактаб кутубхонаси йилдан-йилга бойиб бормоқда. Бу ерда турли фанларга оид дарсликлар, қўлланмалар билан биргаликда бадиий адабиётлар ҳам анчагина. Кутубхоначи Санталат Исмоилова ўқувчилар билан турли мавзуларда суҳбатлар ўтказиб туради. Яқинда шундай мулоқотлардан бири бобомиз Алишер Навоий таваллуд топган кунга бағишланди.

Суратда: марказ кутубхонасида.
А. ТУРАЕВ олган сурат.

•Муносабат

МАЪНАВИЙ РАҒБАТНИНГ КУЧИ

МАШҲУР педагоглардан бири: «Ҳар бир болага, хусусан, турли сабабларга кўра ўзини ўртамиёна деб сезадиган болага маънавий мадад бериш керак. Агар ўқитувчининг донишмандлиги туфайли ҳар бир тарбияланувчидаги «ижодий қобилият» излаб топилса, агар унинг моҳирлик билан далда бериб айтган сўзи ижодий қобилиятни мусобақалашиш учун ҳаракатга келтирса, мактабда бирорта ўртамиёна бола қолмайди, бинобарин, ҳаётда бирорта бахтсиз одам бўлмайди», деб ёзганда тўла ҳақли эди.

Дарҳақиқат, ўқувчи учун қилган меҳнатига ўқитувчисидан олган баҳосичалик юксак мукофот бўлмаса керак. Сабаби, у ўша топширилган ишни бажариш учун ҳар ҳолда куйинади, меҳнат сарф қилади. Айтайлик, ўша меҳнат учун бола тўғри баҳо ололмади, кўпол муносабатга дуч келди. Унда нима бўлади? Бошлаган ишидан кўнгли совуб, ҳафсаласи пир бўлади, навбатдаги топшириқларга ишончсизлик билан, истар-истамай қўл ураги ва бу нарса унга одат бўлиб қолади.

Худди шу ҳолатни фақат болаларда эмас, катталарда ҳам кузатиш мумкин. Шундай раҳбарлар борки, улар ўз қўл остидаги ходим ёки ишчиларнинг бажараётган ишларини эринмай кузатиб юради. Вақти-вақти билан яхши меҳнат қилган ишчини илиқ сўзлар билан рағбатлантиради. Бундай вақтда ишчида юз берадиган ўзгаришни тасаввур қилиш қийин эмас. У кечгача хурсанд кайфиятда юради, ишига барака қўшилади, хатто оиласига борганда фарзандларига ҳам бу кайфиятни улашади, уларни ширин сўзлар билан эркалайди. Агар аксинча бўлса-чи? Катталар болалардек эмас. Уларнинг ҳафагарчилиги баъзан жиддийроқ тус олади.

Инглиз ёзувчиси Хенри Филдинг шундай деган экан: «Ўзимизда етишмайдиган фазилатларга тааллуқли мақтовлар бизга ёқади. Алдоқчига дунёдаги энг ростгўй одамсан, деб кўринг, у дарҳол сизга қулоч очади». Лекин биз яхши инсонларни тарбиялашдаги мана шундай нозик усуллардан фойдаланишга унчалик эътибор бермаймиз. Яхши сўз ва кечиримлилик душманни дўстга айлантиради, деб ёзган эди буюк мутафаккир Алишер Навоий.

Бу гапларни айтишдан мақсад, лозимми, лозим эмасми, одамларни мақтовга кўмиб ташлаб, мадҳиябозлик қилиш керак, дегани эмас. Лекин ўз вақтида қилинган меҳнатга яраша берилган баҳо, рағбат келажакда қилиниши мумкин бўлган эзгу ишларга дебоча бўлади.

Шу ўринда рағбатлантиришнинг йўлларини ҳам қайта кўриб чиқиш керак, деган фикрни ўртага ташламоқчиман. Илгари «Китоб-энг яхши совға» деган шиорларимиз бўларди. Энди эса кўпинча унинг ўрнига пул конвертларга солиб узатиляпти. Ахир энг ноёб китоб ёки санъат асари ўша одам учун абадий қолади-ку!

Маънавият ва миллий қадриятларни тиклаш борасида катта ишлар қилинаётган ҳозирги даврда маънавий рағбат кучидан имконият даражасида фойдалана билишлик ҳам аслида санъатдир. Чунки яхшилик-яхшиликка эшик очар, деган гап бор. Халқпарвар чех донишманди Ян Ямос ҳам билиб айтган: «Мақтовнинг ортидан қувма, аммо бор кучинг билан мақтовга сазовор бўлишга интил!»

Маликжон БОБОРАҲИМОВ,
доцент, филология фанлари номзоди.

•Илмий муассасаларда

Узбекистон Республикаси Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси бир неча йилдирки олимлар, аспирантлар, умуман илмий ходимларга муносиб даражада хизмат кўрсатиб келмоқда. Филиаллари билан бирга олганда 180 ходим хизмат қилаётган ва жамғармаси 2 миллион 300 нусхадаги илмий, бадиий, сиёсий адабиётларга эга бўлган бу билимлар хазинаси фаолиятида бозор иқтисодиётининг ўтиш босқичи ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Шунга қарамасдан кутубхона ўзига хос ислоҳотлар йўлидан бориб, мавқеини сақлаб қолишга астойдил интилмоқда.

Яқинда махсус мухбиримиз Ш. ОБИДОВА бу даргоҳда бўлиб, унинг директори Н. Ғ. УМАРОВ билан суҳбатлашди.

КИТОБХОНЛАР ЭҲТИЁЖИНИ ЎЙЛАБ

— Наби Ганиевич, бозор иқтисодиёти шароитида асосий кутубхона иш услубида рўй берган ўзгаришлар тўғрисида нималар дея оласиз?

— Бу жараён мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари академияларининг асосий кутубхоналари билан алоқаларни бўшаштирмасликка интилишимизда ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, аввалари кутубхоналар илмий асарлар, қўлланмалар, рисолаларни обуна йўли билан олардилар. Эндиликда маблағ танқислиги туфайли китоблар алмашув усули қўл келиб қолди. Биз деярли кўпчилик мустақил республикалар билан шундай ҳамкорлик ўрнатганмиз. Шуни айтиш керакки, иқтисодий шароитлар ҳамма жойда ҳам мушкулликлар туғдиришига қарамай, илм кишилари ўртасида маънавиятга бўлган ҳурмат, эътиборни сақлашга интилиш ҳамон кучли. Фикримнинг далили учун биргина мисол келтираман.

Ўтган йили асосий кутубхонамизда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги муносабати билан турли мавзуларда кўргазмалар ташкил қилинди. Уни бойитиш мақсадида кўргазмага ҳисса қўшишни сўраб ҳамдўстлик мамлакатларига мурожаат қилган эдик. Натижада Украина, Беларус ва бошқа мамлакатлардаги ҳамкасбларимиз бу алломага оид ўз кутубхоналарида сақланаётган ноёб китобларни бизга юборишди.

Шу ўринда чет мамлакатлари билан алоқаларимиз ҳақида ҳам тўхтала қолай. Ҳозир Англия, АҚШ, Германия каби 30 дан ортиқ давлатлар кутубхоналари, фирмалари билан китоб алмашув орқали алоқа қилиб турибмиз. Ўтган йили табиий ва инсонийлик фанлари бўйича анчагина китоблар алмаштирилди.

— Кутубхонадан фойдаланувчилар фаоллиги қай даражада?

— Илмга иштиёқмандлар ҳар қандай шароитда ҳам ўз эътиқодларидан қайтмайдилар. Биз кутубхонадан фойдаланувчи олимлар, аспирантларга қулайлик яратиш имкониятларини яратяпмиз. Мурожаат қилувчилар сони аввалги йилларгидан камаймаган. Бу Маъсуда Миртолипова, Нелля Волкова, Муҳаббат Хўжаева, Гулихон Шералиева, Севара Акрамова сингари ўз касбининг жонкуярлари — кутубхоначилар меҳнати самарасидир. Улар ҳамиша аъзоларга самимий ва тезкорлик билан хизмат қилишга шай турадилар.

Аввалари китоб ўқувчилар фақат қироатхонада ўтириб шуғулланган бўлсалар, эндиликда пулли хизмат асосида нусха кўчириб бериш цехимиз уларнинг мушкулини осон қилди. Мурожаат этувчининг илтимосига биноан унга керакли адабиётлардан зарур жойлари кўчирилиб берилавераді. 1993 йилдан бошлаб эса республикада биринчи бўлиб кутубхонамизда электрон каталогга асос солинди. Бунинг қулай томони шундаки, кутубхона аъзоларига ёрдам кўрсатиш хизмати тезлашади ва сифатли бажарилади.

— Яқин-яқингача жуда кўп аспирантлар илмий адабиётлар рўйхатини аниқлашда қийналардилар. Эндиликда ходимларимиз уларга бажонидил ёрдам бермоқдалар ва бу хизматни ҳам аспирантлар ўқиётган институтлар билан шартнома асосида йўлга қўйиб олдик.

Нусха кўчиришдан ва шартномалар асосида тушган маблағларни кутубхонанинг китоб жамғармасини бойитишга ёрдам деб тушунса бўлади. Бундай маблағлар маълум миқдорда тўпланган, чет элдан валюта ҳисобида олинадиган китобларга сарфланади. Шунингдек, тўпланган маблағ ҳисобига яқин кунларда «Ўзбекистонда фан ва илмий ишлар» деган кўрсаткич-қўлланмани чиқаришни мўлжаллаб турибмиз. Бу қўлланма келгусида аспирантларга илмий ишларига тайёрланиш жараёнида қулайлик яратади.

— Кутубхоначиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида қандай ишлар қилиняпти?

— Биз бу ҳақда ҳам ўйлаб кўряпмиз. Ўзингизга маълум, Президентимиз бир қатор йиғилишлардаги нутқларида боқимандалик кайфиятидан ҳоли бўлишлик, тадбиркорликка кенг йўл очишлик тўғрисида жон куйдириб гапирдилар. Маънавият муассасалари ходимлари учун ҳам тўла тегишлидир. Биз асосий кутубхонамизга қарашли 19 та филиалдаги ходимларнинг миллий аҳволини яхшилаш муаммоларини ҳам ҳал этиш йўлида изланмоқдамиз.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

КОМИССИЯ ФИКР БИЛДИРМОҚДА

Москвада Чеченистон танглиги сабабларини текшираётган Давлат думасининг комиссияси иш бошлади. Чеченистон воқеалари сабабларини очиқ парламентда кўриб чиқишга киришилди. Собиқ Совет Иттифоқи Давлат Хавфсизлиги Қўмитасининг собиқ раиси Владимир Крючков масаланинг тарихини таҳлил қилишга ҳаракат қилди. У айтдики, 1991 йил августигача Чеченистондаги вазият СССР раҳбарларига хавфли бўлиб туюлмаган эди. «Дудаев Москвада айрим сиёсий кучларга жуда ёқиб қолгач, вазият ёмон томонга ўзгара бошлади. Чунки у иттифоқ марказига, СССРга ҳужум бошлаган, шунингдек ГКЧПга қарши чиққан эди».

Давлат миллий масалалар қўмитасининг собиқ раиси Валерий Тишков Чеченистон муаммосини катта урушсиз, Дудаевга қарши мухолифатни самарали қўллаб-қувватлаш йўли билан ҳал қилса бўларди, деди.

Сўзга чиққанларнинг кўпчилиги ҳозир асосий вазифа ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишдан иборат деган фикрни билдирдилар.

ЯНГИ ПАРТИЯЛАР ТУЗИЛМОҚДА

1996 йил ёзида бўладиган Президент сайловлари олдидан Россияда сиёсий кучлар яна фаоллаша бошлади. Улар турли янги партиялар тевараги бирлашмоқдалар. «Останкино» телерадиокомпаниясининг раҳбари, таниқли сиёсатчи Александр Яковлев янги таъсис этилган Россия социал-демократик партиясига етакчи қилиб сайланди. Бу партия зиёлилар, ёлланма меҳнат ходимлари, деҳқонлар, тадбиркорлар, ёшлар, талабаларга таянади. Бу партия тузилишини президент Борис Ельцин ва Давлат думасининг раиси Иван Рибкин табрикладилар.

Шунингдек, «Мамлакатни тиклаш» халқ ватанпарварлик ҳаракати, «Россия, олга!» миллий тикланиш ҳаракати ҳам ўз таъсис қурултойларини ўтказдилар. Унинг биринчисига ЛДПРдан чиққан В. Кобелев, иккинчисига собиқ молия вазири Б. Федоров раҳбар бўлди.

«ШТИРЛИЦ» ВАФОТ ЭТДИ

Ватан уруши давридаги ҳарбий разведкачи Ян Черняк 86 ёшида вафот этди. Уни «ҳақиқий Штирлиц» деб атардилар. Ўтган ҳафтада Россия армияси бош штабининг бошлиғи Михаил Колесников ва Бош разведка бошқармасининг бошлиғи генерал-полковник Федор Ладигин машҳур разведкачини Москва касалхоналаридан бирида кўргани бориб, унга Россия Федерацияси Қаҳрамони Юлдузини топширган эдилар. Колесников журналистларга «бу қария — ҳақиқий Штирлиц» деб маълум қилганди. (Штирлиц фашистлар штабида уруш йиллари фаолият кўрсатган совет разведкачисининг жасоратлари тўғрисидаги машҳур кинонинг бош қаҳрамони Исаевдир.) Черняк 1930-1945 йилларда айни Максим Исаев фаолият кўрсатган жойда ишлаган. Урушдан кейин ва 1969 йили нафақага чиққунга қадар ТАССда таржимон бўлиб ишлаган эди.

ҚИСҚА САТРЛАР

- Кипр Республикаси пойтахтининг муниципалитети мамлакат асосий шаҳри номини ўзгартиришга қарор қилди: энди Никосия грекча сўз билан Лефкосия деб аталади.
- 14-армия қўмондони Лебедь давлат раҳбари лавозимини эгаллайдиган вақт келиши мумкин, деб айтди. Лебедь Россия Конституцияси асосидагина ҳаракат қилишини таъкидлади. Унинг фикрича, ҳадемай вазият портлаш даражасига етиши мумкин, шунда фақат қуролли кучларгина тартибни ўрнатта оладилар. Бу ҳақда «Озодлик» радиостанцияси хабар берди.
- Турк коммандослари мамлакат жанубий-шарқини таъқиқланган Курд ишчилар партияси отрядлари ва базаларидан тозалаш бўйича бу йилги энг катта операция давомида икки кун ичида 47 нафар курд жангарисини йўқ қилдилар. Бу йил Туркия армияси 176 сепаратчини яксон қилди ва 700 га яқинини асир олишга муваффақ бўлди.
- Сурия халқ кенгаши (парламенти) Исроил ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага имзо чекмагунча бундай шартномага қўл қўймаслигини тасдиқлади.

(Чет эл матбуоти хабарлари асосида тайёрланди).

ҲАМКОРЛИК ИСЛОҲОТГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

«Тошкент ҳақиқати»нинг давра суҳбати

ВАЗИРЛАР Маҳкамасининг шу йил 8 февралдаги мажлисида 1994 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва уларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди. Мазкур мажлисда Президентимиз «Муҳими, қабул қилинган фармон ва қарорларнинг тўла ишлашига эришмоқ даркор. Зеро, уларни қабул қилиш биринчи масала бўлса, ҳаётга тадбиқ этиш иккинчи, асосий масаладир» — деб таъкидлади. Бас, шундай экан, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини амалга оширишда маъмурий органлар ўрни ўзига хос бўлиши, табиийдир.

Шу муносабат билан яқинда «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» таҳририятида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда вилоят прокурори А. МАННОНОВ, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи О. ЖАЛИЛОВ, вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Р. УСМОНОВ иштирок этди. Улар олдига қуйидаги саволлар қўйилди:

— 1994 йилги фаолият якунлари. Ижобий натижалар ва йўл қўйилган камчиликлар нималардан иборат бўлди?

— Кейинги йилларда яхши анъана: ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жумладан, прокуратура, суд, ички ишлар, божхона, солиқ ходимлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик қарор топмоқда. Бундай иш услуби ҳар бир идора фаолиятида эътиборга лойиқ қандай сифат ўзгаришларига олиб келди? Уларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларга таъсири?

— 1995 йилдаги режалар. Жиноятларни камайтириш, қонунбузарликлар олдини олиш борасидаги фикр-мулоҳазалар?

А. МАННОНОВ: — Ижозатингиз билан, суҳбатни мен бошлаб берақолай. Қўйилган саволлар ўринли. Зотан, янги йил бошида ўтган йилга якун ясаш, умумий фаолиятни мазмунан ҳар тарафлама таҳлил этиш чиндан ҳам ишда ҳамиша самара бериб келган. Шундан келиб чиқиб, биз яқинда вилоят прокуратураси мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисини ўтказдик. Унда қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида 1994 йилда амалга оширилган ишларимизга якун ясалди. Мажлисда вилоят ҳокимлигининг давлат ва маъмурий — ҳуқуқ бўлими бошлиғи С. О. Хўжаева, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, бугунги суҳбатдошимиз О. Х. Жалилов, шунингдек, вилоят солиқ бошқармаси ходимлари, вилоятдаги шаҳар ва туманлар прокурорлари, айрим ҳудудлардаги фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла қўмиталарининг вакиллари иштирок этдилар.

Мазкур йиғинда вилоят прокуратурасининг ўтган йилги иш фаолияти, вилоят ҳудудида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар, уларнинг натижалари хусусида гап борди. Юртбошимиз Фармонлари, республика ҳукумати қарорларидан келиб чиқадиган келажакдаги вазифалар, қонунлар устиворлигини таъминлаш, фуқароларнинг бурч ва масъулиятлари хусусида батафсил фикр-мулоҳазалар билдирилди, қимматли таклифлар ўртага ташланди. Шу билан биргаликда, умумий назорат, жиноятларни тергов қилиш, дастлабки тергов ва суриштирув ишлари устидан прокурорлик назорати, жиноий ва фуқаролик ишларини судларда кўришда прокурорлик ваколатини таъминлаш юзасидан барча бошқарма ва бўлимларнинг олиб борган ишлари танқидий нуқтаи назар билан таҳлил этилди.

Яқинда вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган, вилоят ҳокими Э. М. Рўзиев олиб борган мунофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида ҳам юқоридаги муаммолар кўтарилди.

Шуни айтиш керакки, 1994 йилда ўтган даврларга қараганда фаолиятимиз бирмунча жонланди. Текширувлар, уларнинг натижалари бўйича қўлланилган прокурорлик таъсир чоралари сони ортди. Жами 1200 дан ортиқ текширувлар ўтказилиб, уларнинг самарадорлиги яққол сезилди. Шулар асосида юқори идоралар, турли хил бошқармалар, қуйи ташкилотлар, корхоналар, хўжаликлар, муассасаларга 5200 га яқин ёки 1993 йилдагидан 1450 та кўп таъсир ҳужжатлари юборилди.

О. ЖАЛИЛОВ: — Ҳа, 1994 йил чиндан ҳам давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида сезиларли из қолдирди. Ўзбекистон Оврупода хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгашига ҳамда Интерполга аъзо этиб қабул қилинди. Барча соҳалардаги ўзгаришлар ички ишлар идоралари фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Ишимизни шаклан ва мазмунан бойитишга ҳаракат қилмоқдамиз. Давр талаби даражасида иш олиб боришимиз натижасида вилоятимиз ҳудудларида умумий жиноятчилик даражасини 23,6 фоизга камайтиришга муваффақ бўлдик. Жиноятларнинг оғир турлари эса 11,1 фоизга озайди.

Шахс ҳаётига, соғлиғига тажовузкорона қилинган жиноятлар, мулкий, талончилик, босқинчилик жиноятларининг очилиши сезиларли равишда яхшиланди. Шунингдек, ўтган йили гиёҳвандлик, коррупция ва порахўрликка қарши кескин кураш олиб борилди. Рақамлар тили билан айтадиган бўлсак, биргина гиёҳванд моддалар билан боғлиқ 600 дан ортиқ жиноятлар фош этилди. «Ажал уруғи» савдоси билан шуғулланган юзга яқин кимсалар ушланди. Жиноятчилардан жами 95 килограммдан зиёд марихуана, 23,6 килограмм кўкнори, 15 килограммга яқин гашиш ва бошқа оғу моддалари мусодара этилди.

Ноқонуний сақланаётган қуролларни аниқлаш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Йил давомида 135 та ўқотар қурол ноқонуний сақланганлиги учун, 564 та қурол сақлаш қоидалари бузилганлиги учун тортиб олинди. 437 шахс қурол билан боғлиқ маъмурий жавобгарликка тортилди. Биргина мисол: Олмалиқ шаҳрида яшовчи А. Воровка (фамилияни қаранг!) деган фуқаро гаражидан 4 та қўлда ясалган тўппонча топиб олинди. Ушбу ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Р. УСМОНОВ: — Ҳамкорликда гап кўп эканлигини баралла айтиш лозим. Иқтисодий ислоҳотлар, бозор муносабатларига ўтиш халқимиз ҳаётида, айтиш мумкинки, туб ўзгаришларга олиб келди. Ташаббускорлик, тадбиркорлик, ишбилармонлик тобора ривожланмоқда. Якка тартибда меҳнат билан шуғулланиш учун ҳам кенг имкониятлар очилди. Вилоят бўйича 1994 йилда 10 минг 201 нафар солиқ тўловчи корхоналар рўйхатга олинди. Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар сони 2,5 баробар ўсиб, ўтган йил охирида 18 минг нафардан ошди. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қатор Фармон ва қарорлари туфайли шундай натижаларга эришилди.

«Тошкент ҳақиқати» таҳририятида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, уларни янада чуқурлаштириш, янгича бозор муносабатларининг вужудга келиши, маъмурий ва солиқ органларининг бу жараёнлардаги иштироки, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилишида уларнинг ўрни мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди

СУҲБАТДОШ: — Шу ерда бир нарсага эътибор бериш керак. Сир эмас, кўпчилик маъмурий органлар хусусида гап кетганда, уларни жазоловчи ёхуд текширувчи идоралар деб биладилар. Кейинги пайтларда бундай маҳкамалар ўзларининг асосий ишлари қаторига Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг сўзсиз адо этилиши, қабул қилинган қонунлар устиворлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишига фаол кўмаклашиш вазифаларини ҳам қўшдилар. Дастлабки натижалар эътиборга лойиқ бўлмоқда. Энг муҳими бундай саъй-ҳаракатларни халқимиз қўллаб-қувватламоқда.

А. МАННОНОВ: — Тўғри айтасиз, иқтисодий ислоҳотларнинг ривожига кўмаклашиш, уларни тўғри йўлга йўналтириш борасида маъмурий органлар ҳам анчагина иш қилдилар. Биз иқтисодий ислоҳотлар билан боғлиқ 640 дан ортиқ текширувлар ўтказдик. Оқибатда 650 дан кўпроқ келтирилган зарарларни ундириш юзасидан даъво аризалари қўзғатилди. Етказилган 220 минг сўмдан зиёд миқдордаги зарар маблағлари ундирилди.

Юртбошимиз Тошкент вилоят Кенгаши сессиясидаги нутқида «Ер тўғрисида»ги қонуннинг қўпол тарзда бузилаётганлигини ҳаққоний танқид қилган эди. Шундан сўнг биз республика прокуратураси умумий назорат бошқармаси, тегишли назорат-тафтиш идоралари иштирокида ўнлаб хўжаликларда текширувлар ўтказдик. Чиндан ҳам ғайриқонуний ҳолатлар аниқланди. Натижада камчиликларни тўғрилаш учун 220 га яқин чоралар кўрилди, 100 дан ортиқ мансабдор шахсларга нисбатан интизомий ва маъмурий жазолар қўлланилди. Ўндан зиёд жиноий ишлар қўзғатилди. Ноқонуний эгалланган 400 гектарга яқин ер майдонлари давлатга қайтарилди. Лекин, ҳали бу соҳада кўп иш қилишимиз керак.

О. ЖАЛИЛОВ: — Эсингизда бўлса, ўтган йили 25 июнда республика Вазирлар Маҳкамасида бўлган мажлисда республикамиздан четга ғайриқонуний равишда товар-моддий бойликлар олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш масаласи муҳокама этилган эди. Шундан сўнг биз вилоятимиз ҳудудида 21 та пост ташкил қилдик. Ички ишлар ва ДАН ходимлари жалб этилди. Олиб борилган ишлар натижасида июнь-декабрь ойлари мобайнидагина четга олиб чиқиб кетилаётган 92 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари, 2220 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, 78 минг литр ёқилғи, 13 тонна мис, 18,5 минг метр мис кабеллари, 24 тонна қурилиш ашёлари, 14 тонна пахта ёғи, 13 тонна сариёғ, 23 тонна буғдой, 29 тонна ун, 5470 килограмм нон, 7732 дона хўжалик совуни, 945 килограмм чой ва бошқа нарсалар ушлаб қолинди. Бу озиқ-овқат маҳсулотлари пойтахтимиздаги ва вилоятимиздаги бозорларга сотиш учун жўнатилди.

Р. УСМОНОВ: — Ҳа, иқтисодий ислоҳотлар тўғрисида гапирар эканмиз, унда қонунлар устиворлиги хусусида алоҳида тўхталмоқ зарур. Ўтган йил давомида вилоят солиқ идоралари 4227 та корхона, ширкат, кичик корхоналар ва турли муассасаларни текширувдан ўтказдилар. Улардан 2137 тасида солиқ тўғрисидаги қонунларни бузиш ҳолатлари аниқланди. Натижада 15323 минг сўм қўшимча солиқлар ва 18988 минг сўм (купон) молиявий жарималар ундирилди. 3605 нафар мансабдор шахсларга жарима солинди. 31 та ҳолат бўйича жиноий ишлар қўзғатилиб, суд органларига оширилди.

Айниқса, савдо ва маиший хизмат соҳаларидаги қоидабузарликлар кишини ташвишлантиради. 2416 та текширишнинг 2022 тасида қоидабузарликларга дуч келинди. Қўшимча солиқлар ва жарималардан тушган 1 миллион 300 минг сўм миқдордаги маблағ бюджет ҳисобига ўтказилди. 382 ҳужжат прокуратураларга, 85 таси ички ишлар идораларига, 362 иш судларга юборилди, 920 ҳужжат жойлардаги ҳокимликлар қошида бўлган маъмурий комиссияларга топширилди.

Бундай қараганда келтирилган рақамлар «қуруқ»қа ўхшайди. Лекин, уларнинг ортида катта камчиликлар, хатоликлар мавжуд бўлиб, уларни эса маълум шахслар, лавозимли кишилар содир этганлар. Вазифа — келажакда улардан тўғри хулоса чиқариш ва қайтиб бундай номақулчиликларга йўл қўймасликдир. Ахир «Хатони вақтида тузатиш — доноликдир» деб бежиз айтилмаганку...

СУҲБАТДОШ: — Кўпдан кўп фикр чиқади, дейдилар. Келажакдаги фаолиятимизни янада яхшилаш учун эндиликда бошқача саъй-ҳаракат кўрсатиш талаб этилмоқда. «Балиқ бошидан...» деганларидек ҳар бир уюшма, корхона, хўжалик, ташкилот ва бошқаларнинг ёзсиз раҳбарлари бор. Ишнинг кўнгилдагидек юришиб кетиши асосан бошлиқларга боғлиқ эмасми...

А. МАННОНОВ: — Худди шундай. Вилоят давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармаси фаолияти текширилганда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш бўйича қатор камчилик ва хатолар аниқланди. Баъзида объектлар савдога ноқонуний равишда қўйилган. Ҳужжатлар нотўғри расмийлаштирилган. Оқибатда айрим ходимлар лавозимларидан бўшатилди. Мисолларга мурожаат қилайлик. Қибрай туманидаги Жомий номли ижара, «Бурота», «Байтқўрғон», «Турон» жамоа хўжаликлари Голландия картошкаси экиш ва етиштиришда давлатга анчагина моддий зарар етказганлар. Биргина «Турон»да 14,94 гектар ерга экилган шундай картошканинг ҳар гектаридан 123 центнер ўрнига атиги 62 центнердан ҳосил олинган. Жами 64,5 тонна кам ҳосил етиштирилган. 4,5 гектар ердаги уруғлик чириб кетган. Жомий номли ижара хўжалигида эса 25 минг 333 сўмлик зарар кўрилган. Текширишлардан сўнг зарарларни қоплаш чоралари кўрилди.

Вилоят қишлоқ хўжалик таъминот-таъмирлаш бошқармаси, «Тадбиркор» банки, матлубот жамиятлари уюшмаси, «Оби-ҳаёт» лойиҳа-қурилиш, вилоят газлаштириш бирлашмаларида йўл қўйилган хатоликлар, бир қатор туманларда ер участкалари ажратишда қоидаларнинг қўпол равишда бузилганлиги юзасидан берилган бизнинг тавсияномаларимиз камчиликларни ўз вақтида тугатиш учун туртки бўлди десак, хато бўлмас. Натижада айрим бошқармалар раҳбарлари ўзгартирилди, янги бошлиқлар текширувлардан тегишли хулосалар чиқариб олдилар...

О. ЖАЛИЛОВ: — Гапингизни бўлганим учун узр. Бирники мингга, мингники туманга, дейдилар... Бекобод металлургия заводининг цех бошлиғи А. Б., Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳридаги «Юнус» номли фирманинг цех бошлиғи Р. Н билан жиноятчилик тил бириктириб, «КамАЗ» ва «ЗИЛ»автомашиналарида 20 тонна металлни ўғирлаб кетаётганларида ушландилар. Икки масъул ходим наҳотки жиноятга қўл ураётиб, ҳеч нарсани ўйламаган бўлсалар...

Р. УСМОНОВ: — Ўйлайди. Ҳеч ким ўйламасдан иш қилмайди. Лекин, мол-дунёга, бебилиска бойликка ҳирс қўйиш уларни сўзсиз қора курсига олиб келади. Қилмиш қидирмиш дейдилар, ахир...

А. МАННОНОВ: — Айтилганлар холва. Хўп, уларни «жин урди» дейлик. Ҳуқуқ органларида ишлаб турган, адлиячи кимсанинг жиноят йўлига кирганлиги кишини ҳайратга солади. Жумладан, Зангиота тумани судьяси И. Пўлатов жабрдийда фуқародан катта миқдорда пора олаётганда ушланди. Бу иш яқинда тугалланди. Ҳаромхўр «судья» тўққиз йилга озодликдан маҳрум этилди.

О. ЖАЛИЛОВ: — Ички ишлар ходимлари орасида ҳам нопоклари учраб туради. Ўтган йили 28 киши турли хил гуноҳ ишларга қўл урдилар. Улардан еттитаси ички ишлар органларидан ҳайдалди. Қолганларига қаттиқ жазолар берилди.

СУҲБАТДОШ: — Вазирлар Маҳкамаси мажлисида йўл қўйилган камчиликларнинг сабабларини пухта таҳлил этиш, уларни бартараф қилиш юзасидан аниқ тадбирларни белгилаш, режалаштирилган чора-тадбирларнинг сўзсиз адо этилишини таъминлаш каби вазифалар катта-кичик барча идораларнинг зиммасига юкланди. Бизнинг вилоятимизда ҳам Вазирлар Маҳкамаси мажлисида айтиб ўтилган жиддий нуқсонлар учради.

Р. УСМОНОВ: — Одам ўтмиш билан яшамайди. Зеро, барча идораларда одамлар ишлайди. Келажакда амалга оширадиган ишларимиз, олдимизда турган янги вазифалар ҳақида ҳам гаплашсак...

Бизнинг бошқармамиз 1995 йилдаги ўз фаолиятини барча туман ва шаҳарларда семинар-кенгашлар ўтказишдан бошлади. Уларда амалдаги солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар фуқароларга батафсил тушунтириляпти. Қонунбузарликлар, жиноятлар манбаи нима, деган савол ҳамиша долзарб бўлиб келган. Бу борада биз ҳам талаб даражасида ишлай олмаяпмиз. Жиноятлар механизмини тадқиқ этиш ва ҳамкорликда ишлаш бундан буён ҳам катта наф келтиради, деб ўйлайман. Ҳамкорлик — ислоҳотга даҳлдор мезондир.

А. МАННОНОВ: — Жаҳондаги маърифий давлатларда бир тамойил бор. Уларда ҳамиша аҳоли ўртасида жиноятдан ташвишланишни камайтириш, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг ўз касбий вазифаларини ҳалол ва зўр бериб адо этишларига эришиш учун саъй-ҳаракат бир зум ҳам тўхтамайди. Мазкур органларнинг аҳоли, матбуот билан ҳамкорлигига алоҳида урғу берилади. Зотан, жиноятчилар халқ ғазабидан ва матбуот ошкоралигидан жуда қўрқар эканлар.

О. ЖАЛИЛОВ: — Шу маънода бизнинг соҳамизда участка нозирларининг бевосита одамлар орасида яшаши ва ишлаши алоҳида аҳамиятга молик деб тушунаман. Шунда улар кузатувларни обдон меъёрига етказа оладилар. Айниқса, ёшлар билан мулоқотни яхшилаш, жиноятга мойил шахсларнинг хатти-ҳаракатларидан доимо бохабар бўлиб туриш муаммоларига бундан буён алоҳида эътибор берилиши лозим.

Р. УСМОНОВ: — Жиноятлар, қонунбузарликлар сабабларини ўрганишни тинмай давом эттириш керак. Ноқонуний ишлар, жиноятлар манбаи — илдизини билиб туриш катта касбий маҳорат талаб қилади.

Ҳамкорлик деяпмиз!.. Менимча, ҳамкорлик илгарилари бир идоравий, шунчаки бир расмий ҳосила сифатида тушунилар эди. Эндиликда унга ўзгача назар билан қарамоқ лозим. Бу соҳада орттирилган ижобий тажрибаларни кенгайтирмоқ айни муддао бўлар эди. Ҳамкорликнинг қайси жиҳатлари самаралироқ эканлигини аниқлашимиз ғоят муҳимдир.

Президентимиз юқорида айтилган мажлисда «Республика тадбиркорларининг ишбилармонлик фаолиятини ошириш учун қулай шароитлар яратилди ва уларнинг кафолатлари мустаҳкамланди» — деб айтдилар.

Худди шундай. Ҳозир бозор муносабатлари сари йўл қатъийлашди. Унинг конституциявий — ҳуқуқий ва ташкилий асослари ишончли изга солинди. Ислоҳотлар одамлар дунёқарашини ўзгартириб бормоқда. Эндиликда биз бу жиҳатларни фуқаролар онгига чуқурроқ сингдиришимиз, қонунлар устиворлигини тинмай тушунтира боришимиз талаб этилади. Тадбиркор қанча кўп бойлик орттирса, ўзига ҳам, давлатга ҳам яхши эканлигини билиб олсин! Шу билан бирга қонунларга оғишмай риоя этишни ўргансинлар...

ДАВРА суҳбатида яна кўпгина масалалар юзасидан фикрлар алмашинди. Хусусан, 1995 йил — мамлакатимизда иқтисодни барқарорлаштириш йили бўлиши керак, деган даъватга жавобан маъмурий органлар олдида турган муҳим вазифалар айтиб ўтилди. Шу билан бирга маъмурий органлар ҳамда матбуот, хусусан, «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти билан ҳамкорликни янада кучайтириш, бугунги каби давра суҳбатларини тез-тез ўтказиб туриш зарур эканлиги таъкидланди.

Суҳбатни Р. УМАРОВ олиб борди.

Лицейлар ҳаёти

ФРАНЦУЗЛАР ҲАМ ТАН БЕРИШДИ

ҲАР СОҲАДАГИ каби халқ таълими тизимида ҳам ислоҳотлар чуқурлашиб бормоқда. Кейинги йиллар ичида ташкил этилган лицейлар, колледжлар, шунингдек қобилиятига қараб, саралаб ўқитиш мактаблари бу борада қўйилган илк қадамлардир.

Мустақил Республикамизда қабул қилинган «Халқ таълими тўғрисида»ги қонунга мувофиқ очилган бу ўқув муассасаларининг асосий мақсади болаларга билимларни пухта сингдириш, тарбия даражасини кўтаришга қаратилган.

Ўртачирчиқ туманининг Қорасув қишлоғида бундан 3 йил аввал шаклланган лицей — интернат мисолида буни яққол кўриш мумкин. Дастлаб умумтаълим мактабининг 8-11 синфларидаги иқтидорли болаларга мўлжаллаб махсус гимназия-интернат шаклида ташкил этилган бу даргоҳ 1993 йилнинг сентябридан лицейга айлантирилди. Ўтган вақт ичида ишларга илм беришнинг бу кўриниши ўзини оқлади. Хусусан, ўтган йили лицейни тугаллаган 61 ўсмирдан 27 нафари турли олий ўқув юртларига, 20 нафари эса колледж ва ҳунар-техника билим юртларига ўқишга киришди.

— Лицейда таълим-тарбиянинг йўлга қўйилишини кузатгани келган мутахассислар бу ерда болалар дунёқарашини кенгайтириб бориш, фанларни чуқур ўзлаштириш учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этмоқдалар, — дейди лицей директори У. Ҳайдаров. — Аслида ҳам шундай. Синфлар замонавий талаблар асосида жиҳозланган. Электрон ҳисоблаш машиналари, лингофон ускуналари талабалар ихтиёрида. Бу ерда барча фанлар қатори болалар француз тилини ҳам астойдил ўрганмоқдалар. Турли тўгараклар эса билимларни пухталашга хизмат қилмоқда.

— Биз ўқув даргоҳимизга стук олимларни тез-тез жалб этиб турамиз, — дейди муаллим Б. Қаҳҳоров, — улар бирон бир фан бўйича ўтказилган ҳафталикда иштирок этиб, дарсларни янгиликлар билан бойитиш, қизиқарли ўтишда ўқитувчиларга кўмаклашмоқдалар. Яқинда У. Ҳайдаров, А. Абдуллаев каби профессорлар, Д. Толипов, Т. Исоқов сингари фан номзодлари шундай машғулотларга бош-қош бўлишди. Улар лицей ўқитувчиларининг дарсларни таҳлил этиб А. Қаландаров, О. Турғунова, А. Султонов каби ўқитувчиларнинг болаларга чуқур билим бераётганликларини қайд этишди.

Лицейда талабаларга яхши ўқиш учун барча шарт-шароитлар яратилганлигини Франциянинг Узбекистондаги элчихонаси вакиллари ҳам эътироф қилдилар. Улар ўқув даргоҳида булар эканлар вилоят, республикада турли фанлар буйича ўтган олимпиада ғолиблари — талабалар билан суҳбатлашдилар. Француз тилида болалар ижро этган қўшиқларни мароқ билан тингладилар.

Келгусида даргоҳда таълим беришни янада такомиллаштириш, ўқув муассасаси моддий базасини мустаҳкамлаш, лингофон хонасини кенгайтириш, тўгараклар сонини кўпайтириш янги дастурдан ўрин олган. Бундан буён болаларни рейтинг яъни синов ўтказиш йули билан имтиҳон қилиш йўлга қўйилади. Ўқитувчиларнинг малакаларини ошириб боришга ҳам алоҳида эътибор берилади.

М. БОЗОРАЛИЕВ.

Суратларда: Лицейда Франция элчихонаси вакили Жорж Лефеврни (юқорида) нон, туз билан кутиб олиш пайти; биология ўқитувчиси Шукур Юсупов ҳар бир дарсни пухта, алоҳида ҳозирлик кўриб ўтишга одатланган. У талабаларнинг бир гуруҳи даврасида.

Муаллиф суратлари.

БОҒБОН-ФЕРМЕР

ИЗЛАГАН ИМКОНИЯТ ТОПАДИ

ХУЖАЛИКНИНГ 12 гектар олма боғи «фермер бўлиб ишлайман» деган кишига берилармиш, деган гап тарқалди-ю, Абутолибнинг тинчи бузилди. «Бир синаб кўрсаммикан» деган фикр истакка айланди. Қолаверса, ўзининг иши ҳам ёмон эмас. Ўн йилдан бери боғда боғбонлик қилиб келади. Аммо унинг боққа бўлган беқиёс меҳри ҳамма нарсадан устун келди.

Тажрибали боғбон дилидаги истагини «Олмазор» жамоа хўжалиги раҳбарига етказди, у розилик берди. Абутолиб Бектурганов 5- бригадага қарашли 12 гектарлик олмазор ишониб топширилди. Мана уч йилдирки, у боғбон-фермер бўлиб меҳнат қилмоқда. Укаси Турсунали ва оила аъзолари билан дарахтларни парвариш қилиш, дорилаш, суғориш ишларини намунали йўлга қўйиб олган. Тадбиркор йигит хўжалик билан ўтган йили 100 тонна олма топшириш шартномаси тузган эди. 130 тонна олма топширилиб, режа ошириб бажарилди.

— Илгари боғ ҳосилининг кўп қисми нес-нобуд бўлиб кетарди, — дейди фермер Абдутолиб. — Мен бошқача йўл тутдим. Кечасию кундузи боғни қўриқладим, бирорта мол-ҳол боққа кирмади. Қисқаси, мева ҳосили тўла сақлаб қолинди. Шартнома мажбуриятлари зиёдаси билан ўринланди. Даромадимиз ҳам чакки бўлмади.

Абдутолибнинг бу йилги режалари ҳам катта, у фермер хўжалигида мева қуритиш ва майиз тайёрлаш учун узумни қайта ишлаш цехи қуришни режалаштирган. Фермер меҳнатни ташкил этишнинг янги-янги истиқболли усулларини амалда қўллаш учун изланмоқда. У уч ҳисса кўп мева етиштириш юзасидан хўжалик билан ўзаро шартнома тузди.

Т. ЭРХЎЖАЕВ,
Чиноз тумани.

ЭКИШГА ШАЙ

ЗАНГИОТА. «Туркистон» жамоа хўжалиги миришкор деҳқонлари қиш мавсуми бўлишига қарамай, ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Жамоа иссиқхонасида сара ва соғлом кўчат етиштирилмоқда. Шу кунга қадар 25 килограмм карам уруғи сепилиб, текис ундириб олинди. Куни кеча 16 нафар ходим кўчатларни расад қилишга киришди. Жами 300 минг туп кўчат яратиб қўйилди.

Хўжалик машина-трактор саройида мавжуд техника воситалари кўкламга шайланмоқда. Мавсумга жами 30 трактор, чизель, комбайнлар, 25 та юк машиналари созланиши керак.

Х.ШАРИПОВ.

ҚАЛБИМДАН ЖОЙ ОЛГАН ЯНА БИР ИНСОН

Одамлар турфа хил бўлганлари каби шифокорлар ҳам турлича бўлар экан...

Бир ёғи йиллар кексалик ҳисобига ишлаётган, бир ёғи ҳаёт заҳматлари бироз хоритганиданми, кейинги пайтларда дўхтирларга ишим тушадиган бўлиб қолди.

Табиб — табиб эмас бошидан ўтказган табиб, деганларидек, нажоткорларнинг ҳам муомаласи, муносабатларидан бир-бирларидан фарқини биладиган бўлиб қолдим.

Биз яшайдиган Қибрай туман марказида битта касалхона бўлиб, унинг умумий даволаш бўлимида ширинсўз, майин табассуми ўзига яраштган шифокор-мудира Муножот Эрматова ишлайди.

Бундай Аллоҳ ярлақаган инсон билан бақамти келтирган ҳаётга шукроналар айтаман. Халоскор билан учрашувимиз ғалати бўлганди. Юрагимнинг забт билан тез-тез ура бошлагани ёдимда... холос. Кейин не кечганини билмайман. Чамаси уч соатлар ўтиб кўзимни аранг очганман, қаршимга ўриндиқ қўйиб ўтирган, оқ халатли аёлга кўзим тушди.

— Мен қаёқдаман?— деб сўрадим хазин овозда.

— Сиз туман шифохонасидасиз!

— Қандай келиб қолдим?

— Саволни биз берайлик, сиз жавоб беринг.

— Хўп.

— Аввалари ҳам шунақа ҳолат бўлганми?

— Бўлган.

— Ҳайрият, жисмингиз, қон томирлар чиниққан экан. Шукур, омон қолдиниз.

— Худога шукур!

Шифокор аёл қўлидан пиёз ҳиди анқирди. Кейинчалик билсам, дўхтир иш куни туга-са ҳам мен билан анча андармон бўлипти. Сўнг уйига қайтган. Кечки овқатга уннаб турган чоғда, мен учун яна чақириб келишибди.

Ҳам ҳижолат, ҳам мароқ туйғуси ўради мени. Одамгарчилик устивор келган дақиқалар кўпайсин, лоқайдлик узлатга кетсин! дейман ичимда пичирлаб, лекин дил ҳиссиётларимни кўздан томиб турган, ўзидан-ўзи пайдо бўлаётган томчи ёшлар ошкор қилиб турарди.

— Ҳали-ҳозир кетиб қолмайсизми?

— «ЭКГ»ни кўрайлик-чи?

«ЭКГ»и ўнча чиқмади шекилли шифокор ўрнидан турмади, ёнимдан жилмади. Кириб-чиқиб, шошиб-пишиб юрган ҳамширага игна санчиш ва қайси доридан қанча юборишни айтиб

Шифокорлар ҳақида ҳикоялар

турар, қўлимни қўлидан қўйиб юбормас эди. Гоҳ томир уришини санар, гоҳ пешонамга кафтини қўйиб, нималарнидир текширарди.

Орадан бироз ўтгач, фикримни жамладим.

— Уйингизга борсангиз бўларди!?

— Безовталанманг, бораман. Бироз хотиржам бўлайлик. Ишимиз шунақа,— шифокор мени юпатиш учун бўлса керак, у ёқ бу ёқдан сўзлаб ўтирди,— касбни ўзим хоҳлаб танлаганман. Бизнинг ишимизда эса вақт билан ҳисоблашишмайди.

— Дўхтирликни қачон тугатгансиз?— сўрадим.

— 1969 йили ўнинчини тугатгандан кейин бир йил давомида ТошМИ физиология лабораториясида ишладим. Сўнгра 1970-1976 йиллар давомида ТошМИда таълим олдим. Ўқишни тугатгач, вилоят касалхонасида даволовчи шифокор бўлиб хизмат қилдим. 1977 йилдан то шу кунгача Қибрай тумани марказий касалхонасида хизмат вазифамни бажариб келяпман.

У бир дам сукут қилди. Яна «ЭКГ»ни чақиртирди. «ЭКГ» қилишди. Кўнгли анча хотиржам топди...

— Энди менга жавоб, эрта билан яхшилик ва омонликда учрашамиз!— деди ҳайрлашиб...

Эртаси, индини, кейинги ҳафта давомида ҳам Муножотхон Мансурхоновна билан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлдим.

У кишининг ҳикоясидан маълум бўлдики, умр йўлдошлари Раҳматжон бағри кенг инсон. Муножотхоннинг қийинчиликларини тушунади. Болалари — Умидахон, Искандар, Жамшид, Равшанлар ҳам бунга кўникиб кетишган. Эшикка «тез ёрдам» машинасини, ё оддий «жигули», ё «волга» келадими, уларга барибир: «Ойижон!»— деб югуришади. Бир зумда Муножотхон қўлларига босим ўлчагич, юракни кўрувчи асбобни олиб кўчага югуради. У одамларга саломатлик, умр улашишга ошиқади...

Бир ҳафта-ўн кун деганда кўзим ёришди. Анча ўзимга келдим. Нима бўлганини эсладим... Вужудим кичрайиб, уч-тўрт яшар боладек бўла бошладим. Чап оёғим кичраяр, аксига ўнг оёғим тобора катта бўлиб, бўйимдан анча ўзиб кетгандай эди... Ажабо, қизиқ бўларкан, дейман ўзимга ўзим. У чоқда аллақандай хавотирда эдим, ҳозир эса кулгум қистайди.

Муолажа кунларидан бирида Муножотхон хонага кириб келди. Ажабланиб менга қараб:

— Иродангиз мустаҳкам экан. Енгиш қобилиятингиз ҳам кучли. Нима ўқияпсиз, қани эшитайлик,— деди шифокор.

— Шеър ўқияпман. Бу ҳам юрак давоси!— дедим оҳиста кулиб.

— Шубҳасиз. Мен ҳам чарчаб бошим зирқираб оғриса шеър ўқийман. Ҳа товуш чиқариб. Шунда бош оғриғи тарқалади.

— Йўғ-е, демак шеърнинг сеҳрловчи кучи бор экан-да.

— Албатта, инсон юрагидан чиққан, қалбдан яралган не борки, зиёси бор. Шеърми, у! Меҳрми у! Фарқи йўқ. Унинг инсонга ижобий кучи бўлади!— деди Муножотхон мен билан бахсга киришгандай.

Шеър ўқимай иложим қолмади:

Соғлиқ — давлат, дерлар,
Энг катта давлат,
Ором қайда экан, жон қақшаб турса...
Аллоҳ мадад берсин, сен бўл саломат,
Мен соғман,
гар юзинг гул яшнаб турса...

Шифохонадан чиққанимда тамом дардим аригандек кўринди. Қизғин даволар ортда, аммо қизғин суҳбатлар мен билан қолди.

Шифохонада иймони бутун, ҳалол, жонкуяр, ҳар жиҳатдан замонасига ярашган, ўз касбини жондан севган, моҳир нажоткор, жафокаш инсонни учратиб қолганимдан мамнун эдим. Қалбим тўридан яна бир чин инсон жой олган эди...

САЙЁР,
Қибрай тумани.



Дам олиш соатларида

«ОЙБЕК» БОШҚОТИРМАСИ

БЎЙИГА: 1. Ойбек ижодини кенг ўрганган адабиётшунос - олим. 3. Ёзувчининг дастлабки шеърлари босилган адабий тўплам. 5. «Олтин водийдан шабадалар» романидаги образлардан бири. 6. Ойбекнинг 1948 йили ёзган достони. 8. Адибнинг 1936 йил Испания воқеаларига бағишлаб ёзган «Қаҳрамон қиз» достони чоп этилган журнал. 11. Ўзбек аёллари уруш даврдаги кўрсатган фидокорона меҳнатлари ўз ифодасини топган поэма. 12. Ойбекка 1943 йилда берилган илмий унвон. 14. Адибнинг «Қишлоқ суратлари» туркумига кирган шеъри. 19. Ойбекнинг тугалланмай қолган шеърларидан бири.

ЭНИГА: 2.Биринчи бор «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналидан ўрин олган поэма. 4. Адибнинг «Болалик» повестида тилга олинган Тошкентдаги маҳалла. 7. Ойбекнинг Ғафур Ғулом ва Абдулҳамид Мажидий билан ҳамкорликда ёзган достони. 9. «Қутлуғ қон» кинофильмида Шокир ота образини яратган актер, халқ артисти. 10. Ойбекнинг руҳий олами акс эттирилган «Куёшли қалам» достони муаллифи, шоира. 11. «Қутлуғ қон»даги образлардан бири. 13. Ёзувчининг ўзбек халқининг 15-асрдаги ҳаётини ёритишга бағишланган тарихий асари. 15. Ойбек томонидан ўзбек тилига ўгирилган М.Лермонтов драмаси. 16. Ёзувчи чуқур ўрганган фанлардан бири. 17. Адибнинг 1926 йили «Ер юзи» журналида босилган шеъри. 18. Ойбекни «Алангали нур» деб атаган машҳур туркман ёзувчиси. 20. Ёзувчининг Покистон сафари асосида яратилган «Нур қидириб» повестидаги аёллар озодлигининг жонкуяри, ажойиб қиз образи.

Тузувчи: Шавкат ҲИДОЯТОВ.

• СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ •

Шунақаси ҳам бўлади

ЮТҚАЗГАН ҲАМ ҚУРУҚ ҚОЛМАДИ

Ҳиндистоннинг Сангинагар шаҳрида шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвони учун даъвогарлар ўртасида ярим финал ўйинлари бўлиб ўтди. Россиялик Анатолий Карпов, Беларус Борис Гельфандга, Валерий Салов (Россия) эса собиқ ватандоши, ҳозирда АҚШ фуқаролигини олган Гата Камскийга қарши дона сурди. Иккала ўйин учун 500 минг доллар миқдорида мукофот таъсис этилганди. Ғолиблар А.Карпов ва Г. Камскийларнинг ҳар бири 156.250 доллардан олишса, ютқазганлар ҳам қуруқ қолишмади. Уларга 93 минг 750 доллардан улуш тегди.

ДАСТХАТ ҚАНЧА ТУРАДИ?

Маълум бўлишича, дастхат беришда машҳур спортчилар, донғи кетган эстрада қўшиқчилари-ю, санъаткорлар, чолғучилар, қўйингчи, фазогиру академиклардан олдинда туришар экан. Яқинда АҚШда шу боисдан жанжал авжига чиқди. Бир неча бейсболчи ва баскетболчилар ана шу йўл, яъни дастхат беришлари туфайли эришган даромадларидан солиқ тўламаганликда айбланмоқдалар. Уларни қамоқ жазоси ёҳуд катта миқдорда жарима кутмоқда.

Гап шундаки, бу спортчилар дастхат ёзиб бериш эвазига катта даромад топишни касб қилиб олганлар. Ўйинчилар ҳар бир дастхатларига норасмий 10 долларгача ҳақ олишган. Энг машҳур ва севимли спортчиларга мухлислар ҳатто 100 долларгача тўлашган. Иш шунга бориб етганки, айрим спортчилар бир соатда 900 га яқин имзо қўйишга улгурганлар. Шундай қилиб, спортчи қисқа вақтда 2 миллонгача доллар «ишлаб» олган.

200 МИНГ АРИЗА ТУШДИ

1996 йилда Атлантада ўтадиган Олимпия ўйинларида спортчиларнинг муҳофазаси учун АҚШ конгресси мамлакат мудофаа вазирлиги ҳисобидан 20,4 миллион доллар ажратди. Ҳозироқ турли муҳофаза лавозимларида хизмат қилиш истагидаги 200 минг кишидан ариза тушди. Мусобақа ташкилотчилари ана шулар ичидан 40 минг нафар кўнгилли ёрдамчиларни саралаб олишга киришдилар.

1 САНТИМЕТР — 50 МИНГ ДОЛЛАР

Лангар билан сакрашда жаҳон ва Европа чемпиони ҳамда рекордчиси, қатор йирик халқаро мусобақалар ғолиби Сергей Бубканинг навбатдаги ҳар бир сантиметрлик рекорди қанча туришини биласизми? Билмасангиз билиб олинг. Ҳозирда унинг жаҳон рекордини бир сантиметрга янгилаганлиги учун 50 мингдан 75 минг долларгача ҳақ тўлашади. Айрим маълумотларга кўра «Nike» фирмаси спортчига ҳар бир мусобақада қатнашганлиги учун 25 минг доллардан ҳақ тўлар экан. Машҳур спортчидан «Нега сиз бирйўла 6 метр 20 сантиметрлик маррани забт этиб қўяқолмайсиз, ахир бунга қурбингиз етадику? деб сўрашганда у «Бундай маррани эгалласам катта спорт билан хайралашишимга тўғри келади. Мен эса ҳали сакраш, ҳар бир сантиметрлик рекордлар учун мукофотлар олиш, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, пул ишлашим керак»,— деди.

Спортнинг самбо ва дзюдо турлари қизлар ўртасида ҳам оммавийлашиб бормоқда. Ана шу спорт турлари билан шуғулланаётган етакчи спортчиларимиз эса халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашмоқдалар. Жумладан, самбочи қизларимиз Шоира Тошпўлатова, Юлия Янкина, Екатерина Зайцевалар жаҳон биринчиликларининг совриндорларидир. Суратда: дзюдочи қизлар.

А. МАДАМИНОВ сурати.

Вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази хабар қилади

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

АНГРЕН шаҳридаги автобус шоҳ бекатида шубҳали кўринган Чимкент вилоятининг Сайрам туманилик Ҳолматов ва Набиевларнинг юклари текширилди. Шунда улардан 80 литр спирт, «рус ароғи» этикеткаси, елим, шиша қопқоқлари, қопқоқ ёпиш мосламалари топилди. Шу тариқа қалбаки ароқ тайёрлашнинг олди олинди.

УЗОҚҚА БОРОЛМАДИ

ЗАНГИОТА туманидаги «Саратон» хусусий дўконига тунда ўғри кирганлиги ҳақида огоҳлантириш воситалари хабар қилди. Милиция ходимларининг тезкорликлари туфайли кийим-кечакларни ўғирламоқчи бўлган Попова дўконнинг ўзидаёқ қўлга олинди.

БОСҚИНЧИ ҲИЙЛАСИ

ОЛМАЛИҚЛИК, ҳеч қаерда ишламайдиган Королев шу шаҳарда яшовчи Широкихлар хонадонига бостириб кирди. Қўлда ясалган тўппонча билан қўркитиб, 15 минг Россия рубли, қўл соати ва қимматбаҳо буюмларни олиб чиқиб кетаётганида тузоққа илинди.

ҚИСҚА МУДДАТДА

БЕКОБОД шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Цой ҳам муштумзўрлардан чиқиб қолди. У шаҳардаги «Сўғдиёна» дўконига кириб, сотувчи И. Мўминжоновни қўркитди ва ундан 11 шиша ароқ ва 60 сўм пулни тортиб олди. Кўрилган тезкор чоралар натижасида Цой қисқа муддатда ҳибсга олинди.

НАЙРАНГНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

ЯНГИОБОД шаҳрилик Ветров ҳамшаҳри Боевнинг уйига келиб, уни алдаб, дастлаб 3000 сўм пулини олиб кетди. Енгил йўл билан пул топиш маъқул келиб қолдими, у яна жиноят содир этган жойга қайтиб келиб, яна етти минг сўм пул талаб қилаётган пайтда осойишталик посбонлари томонидан қўлга олинди.

ОТ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

ҚУЙИЧИРЧИҚ тумани Улуғбек жамоа хўжалигининг Ғалаботир қишлоғида яшовчи уруш қатнашчиси Амировнинг йўқолган оти туман милиция ходимлари саъй-ҳаракатлари, тезкорликлари туфайли бир кеча кундузда эгасига қайтарилди.

ПИЕДА • ЙУЛ • ТРАНСПОРТ

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»

Ҳайдовчи ёки пиёданинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этмаслиги нохуш воқеаларга сабаб бўлиши сир эмас. Ана шу ҳодисалар Тошкент шаҳри, айниқса, унинг Яккасарой тумани йўлларида болалар иштирокида бирмунча кўп содир бўлаётган эди. Бу ҳол шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ходимларини бефарқ қолдирмади, албатта. Бошқарма ташаббуси билан бундан бир йил муқаддам Яккасарой туманида болаларнинг йўл-транспорт ҳодисалари туфайли жароҳатланишининг олдини олиш, улар ўртасида йўл ҳаракати қоидалари тарғиботини кучайтириш борасида тажриба ўтказишга қарор қилинган эди. Ана шу қарорга мувофиқ бир қатор ташкилий-амалий ишлар қилинди. Мактабларда «Йўл ҳаракати қоидалари» дарсини олиб бориш малакали ўқитувчиларга топширилди. Тумандаги 15 та мактабга тажрибали ДАН ходимлари бириктириб қўйилди. Бу ишга маҳалла кенгашлари ҳам жалб этилди. Муқимий номли, «Ўрикзор», «Ракат» маҳалласи оқсоқолари-аҳоли яшаш жойларида болаларни йўлдаги фалокатлардан асраш мавзусида таъсирчан ва жонли мулоқотлар олиб бордилар. Зарур жойларда эса жамоатчилар назоратчилар навбатчилик қила бошладилар. Мактабларда деворий рўзномалар чиқарилди, қўшма рейдлар уюштирилди, йўл ҳаракати қоидаларига оид синфдан ташқари ишлар, болаларнинг билимини мустаҳкамлаш юзасидан қизиқарли мусобақалар ташкил қилинди. Қисқаси, болалар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги курашга кенг жамоатчилик сафарбар этилди. Буларнинг ҳаммаси сўнгги вақтларда туманда йўл-транспорт ҳодисалари сони анча камайишига олиб келди, болаларнинг бевақт ҳалок бўлиши эса учратилмади. Ана шу диққатга сазовор иш тажрибасини ДАН ходимлари А. Эрназаров ва Ғ. Болтабоевлар яқинда чоп этилган «Соғлом авлод учун» китобчасида яхши умумлаштириб берганлар. Бу тажриба республика ва вилоятга ёйишга арзигуликдир.

Диққат, техникавий кўрик!

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири техника воситаларини ўз вақтида кўрикдан ўтказишдир.

Техникавий кўрикни ўтказишдан мақсад-траснпорт воситаларининг ҳолатини баҳолаш, уларнинг сони, кимга тегишли эканлигини аниқлаш ва бошқа маълумотларни текшириш ҳамда транспорт воситалари билан боғлиқ жиноий ҳаракатларга қарши тадбирлар ўтказишдир.

Шуни эслатиб ўтмоқчимизки, бу йил тоқ йиллари чиқарилган (1993, 1991, 1989 йиллар ва ҳоказо) транспорт воситалари, шунингдек, техникавий кўрикдан ўтмай қолган жуфт йиллари чиқарилган транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилади.

Автомобилларнинг техникавий ҳолатларига бўлган илгариги талаб ўзгаргани йўқ. Давлат автомобиль назорати бўлимлари эндиликда ҳам автотранспорт воситаларидан фойдаланишнинг хавфсизлигига жиддий эътибор берадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, носозлиги туфайли таъқиқланган ёки тегишли рухсатномасиз жиҳозланган кўзгусимон, шунингдек, белгиланган меъёрларни бузган ҳолда туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойна ўрнатилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган, ишлаётганида чиқараётган атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддаларнинг таркиби, шовқини даражаси белгиланган меъёрлардан ортиқ бўлган транспорт воситаларидан фойдаланилганлиги учун 10 сўмдан 50 сўмгача жарима солинади.

Белгиланган тартибга кўра Давлат автомобиль бўлимлари автотранспорт воситалари эгалари (ёки улар номидан вакил қилинган кишилар) паспортлари, ҳарбий хизматчилар учун эса хизмат гувоҳномалари, ҳайдовчилик гувоҳномалари, яшаш жойидан ёки ҳарбий қисм томонидан уларга яшаш учун уй ажратилганлиги, техник паспорт ёки техник талон, транспорт воситаларини ҳайдаш мумкинлиги ҳақида, солиғи тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек транспорт солиғи ва техник кўрик муносабати билан тўланган чипталарни кўрсатишлари зарур.

Техник кўрикдан ўтказишда:

— Енгил автомашиналар учун 20 сўм,

— Юк автомашиналари ва автобуслар учун — 25 сўм,

— Мотоцикллар учун 10 сўм солиқ тўланади.

Ўзбекистон Вазирлар маҳкамаси қарорига кўра двигателларнинг кучига қараб ҳар бир от кучи ҳисобидан — шахсий транспорт эгалари енгил автомашиналарга — 3 сўм 75 тийин, мототранспортларга — 2 сўм 25 тийин, юк автомашиналари ва автобусларга — 7 сўм 50 тийин тўлайдилар.

Бундан ташқари чипталар ўтган йил учун ҳам тўланган бўлиши шарт ва у ҳам техник кўрик вақтида кўрсатилиши керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, солиқлар бўйича айрим фуқароларга имтиёзлар белгиланган. Қўлда бошқариладиган автомобиль ва мотоколяскалар эгалари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, шунингдек, ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаб ва муассасаларда хизмат қилган ҳарбий хизматчилар, собиқ партизанлар, байналмилалчи жангчилар имтиёзларга асосан транспорт солиғидан озод этиладилар.

Умуман олганда техник кўрикдан фуқароларга тегишли енгил юк ташувчи автомбиллар, автобуслар, мотоцикллар ва тиркамалар 2 (икки) йилда бир марта ўтиши даркор.

Техник кўрикдан ўтмаган транспорт воситаларини бошқарган шахсларга нисбатан тегишли маъмурий чоралар кўрилади.

Чунки, транспорт воситаларининг техник жиҳатдан созлиги — йўл ҳаракати хавфсизлигининг гаровидир.

А. ҚУШБОЕВ,
Тошкент вилояти ИИБ Давлат автомобиль назорати Бошқармаси ходими, милиция майори.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

СИРТИГА ОЯТ ЁЗИЛГАН... БАЛИҚ

БУ ҚУҲНА дунёда ғаройибот-лар ҳамон учраб туради, уларга дуч келганда ёқанги ушлайсан, киши. Шундай ғайри-табиий воқеаларнинг бири Сенегалда содир бўлди. Сенегаллик бир балиқ овлаш ишқибози қутлуғ Рамазон арафасида бир балиқ ушлади. Уни ҳайратга солган нарса шу бўлдики, жониворнинг танасига Қуръондан оят ёзилган эди.

Шундай ғаройиб воқеа ҳақида Сенегалда нашр этиладиган «Солей» ҳукумат газетаси ҳам хабар берди. 46 ёшли Жорж Вехбе — ливанлик христиан ўзининг умр йўлдоши — мусулмони янги тутилган балиқ гўшти билан меҳмон қилиш учун қайиқда океан ичкариси томон жўнади. У қайтиб келганидан кейин хотини балиқни тозалашга киришган ҳам эдики, унинг тангалари остига жимжимадор қилиб арабча ёзилган сўзларни пайқаб қолди. Эр-хотин шу заҳотиёқ Ливан ислом институтида ишловчи шайх Абдил Монсйна Зейна олдига боришди. Бу олим ёзувни ўқиб берди. У «Муҳаммад абдуҳу ва росулуҳу» деган сўзлардан иборат эди.

ИСКАНДАР ЗУЛҚАРНАЙН ҚАБРИМИ?

ЯҚИНДА грек археологларининг Мисрда қилган кашфиётларини ҳайратомуз воқеа деб ҳисобламоқдалар. Улар Сива воҳасида Ливия билан чегара яқинида қадимги Миср худоси Амон-Ра мақбарасининг харобаларида Искандар Зулқарнайн дафн этилган қабрни топганликларини қатъий ишонч билан айтдилар. Бу ерда топилган иккита либос ҳам шундан далолат бераради.

Тарихий ҳужжатларга мувофиқ улуғ саркарда Сивага бундан 2326 йил илгари келган, ривоятларга қараганда мақбарада Миср худосининг баҳайбат ҳайкалига қойил қолганидан унинг олдида қотиб турган. Бунинг устига Искандар Амон-Ра тасвири туширилган либослар кийган ва бу билан мисрликларнинг «меҳрини қозонган ва маъқуллашига эришган».

Бу кашфиёт ҳақидаги ахборот Қоҳирага етиб бориши билан Миснрнинг маданият вазири Фарух Хосни грек археологларининг тасдиқлари тўғрилигини аниқлаш учун Сивага бир гуруҳ мутахассисларни юборди. Вазирнинг бу хабарга ишонқирамаганининг сабаби бор, албатта. Кўпгина мамлакатларнинг археология экспедициялари Искандар Зулқарнайннинг қабрини топганликларини илгари ҳам кўп айтганлар, бироқ уларнинг бирортаси ҳам тасдиқлангани йўқ.

201 КУН ОЧ ЮРДИ

БОМБЕЙ яқинидаги шаҳарчада жойлашган Жайн монахи Сахажмуни киши танаси ҳақиқатдан ҳам чексиз имкониятларга эга эканлигини яна бир бор намойиш этди. 61 ёшли бу эркак киши 201 кун давомида, яъни ярим йилдан ошиқроқ вақт «рўза» тутди. Шу даврда овқат танаввул қилмади, фақат чекланган миқдорда сув ичиб турди. Жаҳонда энг узоқ давом этган бундай очлик оқибатида эса унинг вазни атиги 37 килограмм енгиллашган. Тиббиёт ходимларининг далолат беришларича, у «меъёрий жисмоний куч ва ақлини» сақлаган.

Тиббиётчиларнинг таъкидлашича, очлик давомида Сахажмунининг юраги бироз сустроқ ва секин уриб турган. Одатда шундай бўлар экан. Танасида модда алмашуви энг кам даражада қисқарган, жисмоний кучни сарфлаш амалда тўла тўхтаган.

Бу ҳодиса ҳақида ҳам мутахассислар ҳали фикр юритишар, бироқ Сахажмуни юз минглаб диндорлар учун ҳақиқатан ҳам табаррук инсон бўлиб қолди. Рўза тутган даврда уни юз мингдан ортиқ киши зиёрат қилди, деярли ярим миллион рупий ҳайр-эҳсон бердилар. Тарки дунё қилган инсон учун пул керак эмас, шунинг учун Сахажмуни бу маблағни Бомбейдаги касалхоналарнинг бирига садақа қилишга қарор берди.

ҒАРОЙИБ ВОҚЕАЛАР

Америка матбуоти сахифаларида хабар берилишича, Нью-Йоркда яшовчи беш ёшли Поль Росен исмли болакай кўп қаватли турар жой биносининг 7-қаватидан пастга йиқилиб, шундоққина асфальт йўлга тушган. Боланинг бир оз чўчиганини ҳисобга олмаганда ҳеч ери лат емаган. У соппа-соғ, ҳатто иштаҳаси ҳам жойида. Мутахассислар илк бор бундай мўъжизага дуч келганларини эътироф этишмоқда. Ҳақиқатан ҳам шундай баландликдан асфальт йўлга йиқилиб, омон қолиш ақл бовар қилмайдиган ҳодисадир.

***

Испаниянинг Буньол шаҳрида ғалати байрам бўлиб ўтди. Шаҳар аҳолиси «Помидор уруши»нинг 50 йиллик тўйини байрам қилди.

Гап шундаки, бундан 50 йил муқаддам Буньол шаҳридаги қаҳвахоналардан бирида икки гуруҳ ёшлар ўртасида жанжал чиқади. Иш шунгача етиб борадики, қизишиб кетган ёшлар қўлларига тушиб қолган помидорларни бир-бирларига улоқтира кетади. Бу ҳодиса шаҳар аҳолисига қаттиқ таъсир қилади ва ўзига хос ғайритабиий анъананинг юзага келишига сабаб бўлади. Ўшандан буён буньолликлар ҳар йили «помидор уруши» кунини хотирлаб, шаҳар кўчаларида «помидор жанги»ни уюштирадилар. Байрамнинг 50 йиллик тўйи айниқса қизғин нишонланди. Танатаналарда 20.000 дан зиёд шаҳар аҳолиси кўчаларга чиқиб, 120.000 та помидорни бир-бирларига улоқтирдилар.

Бу томоша шаҳар раҳбариятига қимматга тушди. Сабаби шаҳар кўчаларини эзилган помидорлардан тозалаш учун катта миқдорда маблағ ажратишга тўғри келди.

Тўпловчи: Саида ЖУРАЕВА.

ЭЪЛОНЛАР

Ташкилот

«ТИКО» автомашиналари,
«ДАМАС» кичик автобуслари,
«ЦАРИЦА», «СТОЛИЧНАЯ»
ароқлари,
шакар сотади.
Телефонлар:
33-99-15, 32-53-54.
соат 9 дан 18.00 гача.

«Тошкент ҳақиқати» таҳририяти жамоаси газетанинг бўлим мудири Н. Ҳикматуллаевга опаси **Бахриниса ОТАБОЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Оққўрғон тумани «Қаҳрамон» жамоа хўжалиги бошқаруви ва касаба уюшмаси қўмитаси шу жамоа хўжалиги бошқаруви раиси лавозимида узоқ йиллар ишлаган Каримберди Эгамбердиевга рафиқаси **Озода ЭГАМБЕРДИЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0054. 18527 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.30. 1 2 3 4 5 6